Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

№ 12 (5609).
Баҳоси сотувда 35 тийин.

Ҳозирги эркин нарх-наво шароитида жамиятимиздаги ночор, кам таъминланган кишилар қатори талабаларга ғамхўрлик кўрсатиш биринчи навбатдаги вазифадир. Хўш, бу соҳада талабалар ва ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза этиш юзасидан қандай тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 январда қабул қилган талабаларга, ўқувчи-ёшларга, ёлғиз нафақадорларга ва меҳнаткашларга имтиёзли овқатланишни ташкил этишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисидаги қарори бу соҳада муҳим тадбир бўлди. Мухбирларимиз Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. О. АЛИМОВ ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. ЙЎЛДОШЕВ билан мулоқотда бўлдилар.

ТАЛАБАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Сўз Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Шавкат Орипович АЛИМОВГА:

— Ўзбекистон ҳукумати талабаларни ижтимоий таъминлаш соҳасида мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келаяпти. Жумладан, 1991 йил 16 ноябрда жумҳурият Президентининг Фармонига мувофиқ талабаларнинг нафақаси анча оширилди. Шу йилнинг январь ойида эса улар яна оширилиши назарда тутилганди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 29 декабрда чиқарган Фармонига мувофиқ нафақаларни оширишни ҳисоб-китоб қилиб чиқилиши лозим эди. Бу иш ғоят тезкорлик билан амалга оширилиб, талабалар январнинг иккинчи ярмида янги ҳисоб-китоблар бўйича оширилган нафақалар олишлари зарур эди. Ана шундагина уларда норозилик юзага келмасди. Лекин бу иш пайсалга солиниб, ўз вақтида рўёбга чиқарилмай қолди. Бундан ёшларни ўзларининг қабиҳ сиёсий мақсадларини амалга оширишга жазм қилган, мустақиллигимизга душман қора кучларга қўл келди. Улар олдиндан тайёрланган «сценарий» асосида ёшларни тартибсизликка жалб этдилар.

Шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг бир маротаба овқатланишига товон тариқасида ҳар бир ўқув куни учун 1,5 сўмдан берилди. Ана шу мақсадга вазирликка жумҳурият бюджетидан қўшимча равишда 26 миллион сўм маблағ ажратилди.

Президентимиз И. А. Каримов 1991 йил 16 ноябрда янги Фармон чиқарди. Бу Фармоннинг марказида ўқувчи-ёшларга ғамхўрлик туради. Унда 1992 йил 1 январдан нафақаларни яна 30 фоизга кўпайтириш назарда тутилганди. Бундан тахминан 360 минг киши баҳраманд бўлиши мумкин. Уларга 70 миллиондан зиёд сўм талаб қилинарди. Маълумки, 1990 йил 1 сентябрдан аспирантларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг нафақалари 30 фоизга оширилди.

1992 йил 1 январдан олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг имтиёзли овқатланишларига аввал белгиланган қўшимча ҳақ бериш сақлаб қолинган ҳолда нафақалари 2,3 бараварга оширилди.

Шундай қилиб, 1990 йилда олий ўқув юртлари талабаларининг нафақаси 45 сўмни ташкил этган бўлса, 1991 йилга келиб 120 сўмдан то 150 сўмга тенг бўлди. Ҳозир эса 265 сўмдан то 330 сўмгача, имтиёзлилари эса 460 сўмни ташкил этади. Бу рақамларни айтишга осон. Лекин жумҳуриятимизнинг пул топиши осон бўлаётгани йўқ.

Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигимизнинг келажак соҳиблари учун бор имкониятни аямаяпти. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йил 21 январда талабалар, ўқувчи-ёшларнинг имтиёзли жамоат овқатланишини ташкил этиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди. Унда, жумладан, кундузги таълим талабаларининг, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг бир маротаба овқатланиши нархининг товон тўлов ҳажмини беш сўмгача кўпайтириш назарда тутилган. Бундан ташқари талабалар ошхоналарида таомларнинг баҳоси 50 фоизга чегириб ташланиши белгилаб қўйилди.

Иқтисодий тангликка қарамасдан Вазирлар Маҳкамаси ўтган йили 26 декабрида 51 миллион сўмдан зиёд қўшимча маблағ излаб топди. Бу маблағлар олий ўқув юртларини жиҳозлаш ва ошхоналарни, ётоқхоналарни таъмирлаш юзасидан харажатлаони қоплашга йўналтирилади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич ЙЎЛДОШЕВГА:

— Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан чиқарилган дастлабки Фармонларда мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари, талабалар ва ўқувчи-ёшларни имтиёзли асосда овқатлантириш кўзда тутилган эди. Жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 январь куни чиқарган 22-рақамли талабаларга, ўқувчи-ёшларга, ёлғиз нафақадорларга ва меҳнаткашларга имтиёзли овқатланишни ташкил этишнинг қўшимча тадбирлари хусусидаги қарорига биноан мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг ўқувчилари ҳамда шу ўқув юртларига хизмат қиладиган ходимлар ҳам имтиёздан баҳраманд бўладилар. Талабаларнинг нафақаси, ўқитувчилар ойлик иш ҳақи билан биргаликда кундалик тушлик учун 5 сўмгача миқдорда товон пули тўланади.

Бошланғич синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш тартиби сақланган ҳолда ҳар бир ўқувчига 40 тийиндан 1 сўм 60 тийингача ёки илгарига қараганда тўрт баравар кўп пул сарфланади. 2,5 миллион ўқувчига ана шу сўм миқдорида овқат пули ажратилади. Икки миллиондан ортиқ юқори синф ўқувчиларига овқат нархи 50 фоизга арзонлаштириб сотилади.

Маҳаллий бошқарув ташкилотлари жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан маълум қисмини арзон нархда ўқув юртларига етказиб берилишини таъминлайдилар. Бу тадбир хўжаликларнинг ўз ихтиёрида сотишга қолдириладиган 15 фоиз чорва ва 50 фоиз полиз, сабзавот, мева маҳсулотлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, қарорда жумҳурият Молия вазирлигига қарор ижросини таъминлаш бўйича муҳим топшириқлар берилган. Ана шуларга асосланиб, айта оламанки, ўқувчи-ёшларни, талабаларни, ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган бу қарор бажарилиши учун тўла имконият ва шароит мавжуд.

Бозор иқтисодиётига ўтишда эркин нарх-наво белгиланиши кундан-кунга янги-янги муаммоларни, кутилмаган мураккаб вазиятларни юзага келтириши мумкин, албатта. Биз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчи-ёшларни, талабаларни, ўқитувчиларни бор чора-тадбирларни кўрган ҳолда ижтимоий муҳофаза этишга ҳаракат қиламиз. Биринчи квартал иш натижалари якунларига кўра, ўқитувчиларга қўшимча иш ҳақи белгилаш хусусида иш олиб бораяпмиз. Бу ишларимизга янги қарор ижобий туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик юки оғир, масъулияти катта. Шундан кўпгина масалаларни чуқур мушоҳада этиш ва зудлик билан ҳал этиш зарур. Иқтисодий танглик ҳар қандай ҳолда ҳам танлаган йўлимиздан тойдирмаслиги учун, ёруғ кунларимизнинг соҳиблари бўладиган талабалар ва ўқувчиларга саховатимизни аямаслигимизни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти шу йўлдан бормоқда.

(«Туркистон» рўзномасидан олинди).

МИННАТДОРЛИК ҲИССИ

БУ КУНЛАР ЎТИБ КЕТАР...

Жумҳурият ўқитувчиларининг оғир шароитдаги машаққатли меҳнатлари инобатга олинганлиги биз муаллимларни жуда ҳам қувонтириб юборди. Ахир, 40 йиллик муаллимлик давримдан бўён ҳеч бир раҳбар ўқитувчини ҳимоя қилиш, унинг обрўсини кўтариш лозимлиги ҳақида ўйламаган эди-да.

Шундай мураккаб шароитда барча оғирчиликни ўз зиммасига олаётган ҳурматли Президентимизга минг раҳмат. Вақтинчалик қийинчилик ўтиб кетар. Лекин обрўни кетказмайлик, бир-биримизга оқибатли бўлайлик.

Улуғ Ватан урушн даврида ҳам оғир кунларни бошимиздан кечирганмиз. Ҳатто майдаланган қунжарани унга қўшиб нон ёпилган. Ана шу нонни тановвул қилган пайтимиз ҳам бўлган. Эртага нима ейишимиз номаълум эди. Шундай ночор пайтларда ҳам ҳеч кимдан нолимаганмиз. Ўзгаларнинг насибасига, мол-мулкига шерик бўлиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

Ҳозир қайси хонадонга кирманг, совутгичи музхонасида гўшт, озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ эмас. Шундай экан, дориломон кунларга ҳам етиб олсак, ажаб эрмас. Доно халқимиз: «Сабр қилсанг, ғурадин ҳолво битар», деб бежиз айтмаган-ку. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир. Қаноатли, сабрли бўлайлик.

Бозор иқтисодиётига ўтмасликнинг иложсизлиги, йўқса бундан ҳам ночор кунга тушиб қолиш мумкинлигини Президентимиз қайта-қайта таъкидлаяптилар. Мингбора шукрки, бозор муносабатига ўзга жумҳуриятлардан кейин ўтилди, жумҳуриятимизда нисбатан нарх-наво арзон.

Бозор муносабатлари инсонни нималарга бардош бера олишини ҳам синамоқда. Ана шундай синовли пайтда орамизда турли иғво гаплар тарқатиб, кишиларнинг оромини бузувчилар, бировнинг пешона тери билан топилган жамғармаси, озиқ-овқатиқ, мол-мулкига кўз олайтирувчиларнинг борлиги мени ўқитувчи сифатида ташвишлантиради. Ахир ўшаларга ҳам муаллимлар тарбия берган-ку! Қайси синфда бўлмасин, дарснинг 10-15 дақиқасини тарбияга бағишлайман. Бири бўлмаса, бири талаба қулоғида қолар, дейман.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган нақл бор. Президентни атрофидаги масъул мутасаддилар, қолаверса, ҳар биримиз бирлашган ҳолда қўллаб-қувватласак, ёруғ кунларга тезроқ чиқиб оламиз.

Манзура ИСМОИЛОВА,
Тошкент шаҳридаги Кўчқор Турдиев номли ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

«ЎҚИТУВЧИ—92» КЎРИГИ

СОВРИНДОРЛАР, УЛАР КИМЛАР?

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи, ҳакамлар ҳайъатининг талабчан, адолатпарвар раиси Олег Аҳмедович Тожиев қайд этганидек, Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган «92 йил ўқитувчиси» вилоят танловида мағлублар ёки енгилганлар бўлмади. «Биз ҳаммамиз ютдик, — деди у. — Биринчи навбатда бутун халқ таълими ютди. Биз ижодий фикрловчи ва фидойилик билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг янги-янги номларини билиб олдик».

Танловга катта тайёргарлик ишлари олиб борилди ва бу биринчи навбатда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олий билимгоҳи педагогика кабинети ходимлари томонидан адо этилди. Танловнинг мактаб, ноҳия ва шаҳар босқичлари давомида энг яхшиларнинг яхшилари саралаб олинди.

Ва, ниҳоят, вилоят танловида йилнинг энг яхши ўқитувчиси номи учун йигирма уч даъвогар иштирок этди. Финалга эса саккиз даъвогар қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганларнинг ҳар бири ўзининг ёрқин, бетакрор таллинни, мактаб ишини жон-дилдан севиб фикр юритадиган ўқитувчидир. Уларнинг ишлари ҳақидаги ёзма ижодий ҳисоботлари, ўз ўқувчиларини қандай кўришни исташлари, мактаб болаларга қувонч манбаи бўлиши учун нималар қилиш кераклиги тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам ана шундан далолат беради.

Иккинчи босқич топшириғи очиқ дарслар ўтказиш бўлди. Баҳоловчи комиссиянинг фикрича, уларнинг ўтказган дарслари бири-биридан яхшидир.

Ниҳоят саккиз иштирокчининг ҳаммаси Янгийўл мебель фабрикасининг мажлислар залига — финал учрашувга тўпланишди. Қуръа ташлаш ҳам бўлиб ўтди. Даъвогарларнинг ниҳоятда ҳаяжонланаётганликлари сезилиб турарди...

Тошкент ноҳиясидаги 22-ўрта мактаб физика ўқитувчиси Лазокат Усмонова ўтган йилги «91 йил ўқитувчиси» танловида қатнашиб, кўникма ҳосил қилганидан-ми ёки Пскент ноҳиясидаги 5-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Мукамбар Эргашева «92 йил ўқитувчиси» ноҳия танловида биринчи ўринни олгани учунми, бироз ҳаяжонларини босиб олиб, ўзларини хотиржамроқ тутишарди. Гарчи шундай бўлса-да, вилоят танловига уларни қўллаб-қувватлаш учун турмуш ўртоқлари, болалари ва улар ўқитадиган ўқувчилардан иборат катта гуруҳ келганди...

Олмалиқ шаҳридаги 7-мактабнинг химия ва биология ўқитувчиси Илёс Эргашев, Паркент ноҳиясидаги 15-мактаб биология муаллими Матлуба Мусаева, Калинин ноҳиясидаги 5-мактаб химия ўқитувчиси Нурилло Мухсимов, Янгийўл шаҳридаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Алла Сергеевна Соколова, Ангрендаги 24-ҳунар-техника билим юртида она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зарошо Дадахонова, Чиноз ноҳиясидаги 27-мактаб физика ўқитувчиси Ортиқ Қодировларнинг дадил интилишларини на ҳаяжон, на мураккаб топшириқ тўхтата олмайдигандек туюлади. Зотан, уларнинг ҳаммаси ҳам «Йил ўқитувчиси» ноҳия ва шаҳар танловларида биринчи ўринни эгаллаганлар.

Финал иштирокчиларига бешта топшириқ — «Ташриф қоғози», «Педагогик вазият», «Сенинг севимли машғулотинг», «Билимдонлар танлови» ҳамда уй вазифалари тавсия этилди.

Бунга қадар ҳам барча босқичлар чуқур ўйлаб, атрофлича таҳлил этишни, айтиш мумкинки, донолик билан ҳал қилишни талаб этганди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ўзларининг бутун педагогик маҳоратлари ва ҳаётий тажрибаларини ишга солиб, мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини изладилар ва ўзларича ҳал этдилар.

«Менинг севимли машғулотим» танлов шарти кўпгина кутилмаган яхши синоатларни намоён этди. Масалан, ўзининг физика фанини севадиган Л. Усмонова лириканинг ажойиб ошуфтаси эканлигини кўрсатди. Ишдан ва уй юмушларидан бўш вақтларини у лирикага (нафосатга) бағишлайди. Лазокат турли шоирлар томонидан ёзилган шеърларни қойилмақом қилиб ўқибгина қолмай, балки ўзи ҳам шеърлар ёзади ва бу шеърларини жозибали ёд айтади. Танловнинг мазкур шарти бўйича мусобақада Лазокат ушбу танловга бағишланган шеърини маҳорат билан ўқиб берди. М. Эргашева рубоб чалиб, ўз маҳорати билан томошабинларни сеҳрлаб қўйгандек бўлди. У ўз рубоби жўрлигида дилдан чиқариб ҳалқ қўшиқларини айтишни ҳам севади.

(Давоми 3-бетда).

ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ

Ўзбекистон телевидениесидан 1992 йил 19 январь куни президентимиз И. А. Каримовнинг бутун республикамиз аҳолисига, айниқса, биз ўқитувчи-зиёлиларга қарата айтган мурожаати билим даргоҳимиз жамоасини бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Оғир дамларни бошимиздан кечираётган бир пайтда мустақил жумҳуриятимизда осойишталик сақланиб келганидан зимдан ўзимизга далда бериб, худога шукрким, бошқа республикалардагидек нотинчлик бизда йўқ, деганмиз.

Аммо Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган талабаларнинг кейинги кунлардаги тутган йўллари ва унинг оқибатлари дилимизни ларзага солди. Тўғри, уларга қийин. Лекин норозиликларни тинч, келишиш йўли билан, вакиллар учрашуви орқали ҳал қилса бўлур эди. Худди шунингдек, ўқитувчилар, бошқа бюджет ҳисобидан маош олувчилар ҳам социал, иқтисодий масалаларда оғир кунларни бошдан кечираётирлар. Бироқ Ўзбекистон ҳукумати ҳам қараб тургани йўқ: ижтимоий ҳимоя чораларини кўрмоқда.

Президентимизнинг шу йилнинг иккинчи кварталигача сабр-тоқат қилишимизга даъватини ички бир ҳис билан қабул қилдик. Шунга амал қилган ҳолда осойишталикни сақлашга сўз бериб, барча зиёлиларни, ишчи-хизматчиларни, талабаларни Ўзбекистон мустақиллиги йўлида, эл-юрт фаровонлиги йўлида бардам, собитқадам бўлишга, астойдил меҳнат қилишга даъват этамиз.

Республикамиз Президенти ўз фармонларининг тўлиқ бажарилишига эришади ва жумҳуриятимиз фуқаролари учун кўпдан кўп енгилликлар яратади, деб ишонамиз.

Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳиясидаги 15-мактаб жамоаси номидан мактаб директори

Н. УМАРОВ.

Қаршн ноҳиясидаги 10-мактаб педагогик жамоа аҳли халқ таълими аълочиси, биринчи тонфали ўқитувчи Назар Очилов билан фахрланади. Ўттиз бир йиллик муаллимлик стажга эга бўлган Назар ака ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бериб, юксак натижаларга эришиб келмоқда.

Суратда: навбатдаги дарс пайтида.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Қарши ноҳия халқ таълими бўлими ҳузурида ноҳия мактабларидаги тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг бир кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда директор ўринбосарларидан И. Сайфиев «Бола тарбиясида мактаб, оила ва жамоатчиликнинг роли», М. Эшқувватов «Ахлоқий тарбиянинг моҳияти» мавзуларида маъруза қилдилар. Фойдали ва қизиқарли маърузалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Калинин, Павлов, А. Навоий номидаги ўрта мактабларнинг директор ўринбосарлари Х. Гелдиев, Т. Қаюмов, С. Қодировлар ҳам бу борада ўз мактабларида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Семинар-кенгаш ниҳоясида ноҳия халқ таълими бўлими методистлари Б. Азимхонов, Б. Маматқуловлар ўқувчи ёшларни ахлоқли ва маънавий пок кишилар қилиб тарбиялаш ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Х. НАЗАРОВ.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

ДАРСЛИКЛАР—БИЗНИНГ ДАРДИМИЗ

Ўқувчига таълим берадиган иккита устоз бор: бири — муаллим, иккинчиси — дарслик. Дарслик ҳар бир халқнинг ўз тили, фани, маданияти, тарихи, урф-одату курашларидан сабоқ бериши, авлоддан-авлодга етказиши керак.

Бизнинг дарсликлар 70 йилдан ортиқроқ бегона юкини кўтариб келди. Ижодкорликни касб қилмаган айрим ўқитувчиларимиз шиша идиш ичидаги балиқчадек дарсликдан ташқарига чиқа олмадилар.

Миллатимиз ўзлигини таниб, мустақиллик офтобига бағирларини тутаётган бугунги кунда таълимнинг пойдевори бўлган бошланғич синф дарсликлари ҳақида кўпдан дилимизда тугилиб ётган баъзи фикрларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

2-синф «Ўқиш китоби» (1989 йил, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти. И. Хусанхўжаев, Х. Зуфаровалар). Дарсликнинг муқовасиданоқ ҳали ўқувчи тасаввурига сиғмайдиган Ленин, Кремль тасвирлари кўзга ташланади. Унинг ўрнига она-Ўзбекистон, унинг боғлари ё ўқувчи яшаб турган жой тасвирлари берилганда, боланинг дилига яқин ва жозибали бўлмасмиди?

Дарсликдаги «Октябрь революцияси», «Октябрь» шеъри, «Совет ҳокимиятининг тузилиши» (23—28-бетларида) каби қатор мавзуларнинг иккинчи синф ўқувчисига мутлақо қизиғи йўқ. «Эски мактаб» (30—32-бетлар) унда жуда қаттиқ танқид қилинади. Кўр-кўрона болани оқни қора дейишга мажбурлайди. Шарқнинг буюк алломалари, олиму фузалолари ўз вақтида шу «эски мактаб» сабоғини олишмаганми?!

«Партияга ташаккур», «Лениннинг революцион ишлари», «Биз коммунизм авлоди», «Ленин мавзолейи», «Ленин Шуш дарёси бўйида», «Ленин овда» каби мавзулар баён қиладиган ғоялар ҳозирги кунда чақага ҳам арзимайди.

«Атрофимиздаги табиат» китобида (2-синф, 1987 й., Тошкент, «Ўқитувчи» нашр., А. Г. Григорянц) юқоридаги қизил-сиёсий мавзулар яна уланиб кетади. Унда берилган Кремль, Лениннинг расми барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари, герблари, Олий совет биносининг табиатга нима алоқаси борлигини тушунолмай ҳайронман.

Бошланғич синфларнинг бошқа дарсликлари — математика, мусиқа алифбоси, рус тили, тасвирий санъат, табиатшунослик каби китоблари ҳам юқорида биз баён қилган қизил шиорлар, тасвирлар, ўзгаларни улуғловчи мавзулар билан тўлдириб ташланган. Биз катталар бўлсак давр тақозоси деб ўз тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизни оёқ ости қилиб, ўқувчига бегона бўлган, мутлақо қоронғу томонларни мажбурий равишда бола тасаввурига тиқиштириб келдик. Энди шундай савол туғилади: хўш, келажакда дарсликларимиз қандай бўлиши керак?

Бўлажак дарсликларнинг янада мукаммал бўлиши, ўзбек халқи тарихини, унинг босиб ўтган йўли, курашлари, маданияти, истиқболини босқичма-босқич, ҳаққоний ва тўлақонли ёритувчи дарсликларнинг яратилишида биз ўзимизнинг айрим таклиф ва истакларимизни баён қилмоқчимиз.

Дарсликлар муқоваси пишиқ-пухта, миллий безаклар асосида, кўп йилга хизмат қила оладиган қилиб чиқарилса.

1—4-синфларда 20 дан зиёд фанлар ўтилади. Ортиқча, кераксиз мавзулар чиқариб ташланиб, мантиқан яқинлиги жиҳатидан улар бири-бирини тўлдириб борса.

Бошланғич синф дарсликларидан революция, капитализм, коммунизм, Кремль, Октябрь, партиялар ҳақидаги кераксиз сиёсий мавзулар чиқариб ташланса. 4-синфда Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида, Ўзбекистон жумҳуриятида ташкил топган партиялар, уларнинг олдинги партиялардан фарқлари ва бошқалар берилса.

«Доҳийлар», «революция бошчилари» ўрнига миллий қаҳрамонларимиз, мутафаккирларимиз, олим ва ёзувчиларимиз асарлари, ҳаёти ва ижоди, Москва, Кремль, Ленинградлар ўрнига тарихий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фикримизни хулосалаб шуни айтамизки, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ҳали бир йил, ярим йилда мукаммал дарсликлар яратиш ҳам амри маҳолдир. Ҳозир жумҳуриятимизда кўпгина бошланғич синф ўқитувчилари дастурларнинг фойдасиз ўзгаришлари-ю, буйруқбозликлар туфайли йўлнинг қайси бири тўғри эканлигини билмай қолганлар.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Жумҳурият ўқув-методика маркази ходимлари ҳозирги шароитни ўрганиб чиқиб, бошланғич синф ўқитувчиларига то дарсликлар яратилгунга қадар рўзнома ёки ойномалар орқали бугунги кун ўқитувчиси талабини қондира оладиган методик тавсияномалар, йўл-йўриқлар бериб борсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти муаллимлар малакасини ошириш олий билимгоҳи бошланғич таълим кабинети методисти.

Б. МАҲМУДОВ,
шу билимгоҳнинг мусиқа кабинети мудири.

КЎРСАТМАЛИ ҚЎЛЛАНМАЛАР ТАНЛОВИ

Мана, кўз олдимда Тошкентдаги Куйбишев район халқ таълими бўлимининг кўрсатмали ўқув қўлланмалари ва дидактик материаллар район кўргазма-танловининг якунлари бўйича бўйруғи. Дастлаб беихтиёр танлов ҳакамлар ҳайъати қайд этган педагоглар сонига эътибор қилдим.

Ўн саккиз ўқитувчи биринчи ўринни эгаллаб, ҳар бири 150 сўмдан, иккинчи ўринни олган ўн олти кишининг ҳар бири 100 сўмдан, учинчи ўринга сазовор бўлган ўн уч ўқитувчининг ҳар бири 50 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланган. 14 ўқитувчига эса ташаккурнома эълон қилинган. Рақамлар шуни кўрсатадики, амалда танлов иштирокчиларининг деярлик ярми тақдирланган. Ҳолбуки, кўргазмага ўзбек ва рус тилларида 128 экспонат қўйилганди.

Бироқ булар танлов жиддий бўлмаган ёки савияси паст бўлган деган гап эмас. Район танлов комиссияси кўргазмага тавсия қилинган кўрсатмали қўлланмаларни синчиклаб таҳлил қилиб чиқди. Бу эса ўз навбатида фанларни ўқитишда ва таълим сифатини оширишда, ўқитишни хилма-хил ташкил этишда, мактаб ўқув фанлари бўйича ўқув-методик жамламаларни яратишда амалий аҳамиятга молик, тамоман янги кўрсатмали қўлланмалар ва дидактик материалларни аниқлаб олишга имкон берди. Зотан, кўрик кўргазманинг асосий мақсади ҳам ана шу эди.

Энг яхши ишлар ижодкорлари деб топилганлар сафида 27-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Д. С. Самодурова («Тезлаштирилган таълим учун рус тили бўйича таянч жадваллар тизими» иши учун), 223-мактаб логопеди А. Д. Лукьянова («Мўъжизалар майдони» ўйин жадвали» иши учун), 211-мактабнинг рус тили ўқитувчиси А. А. Тўлаганова (гап бўлакларини таҳлил этиш кўрсатмали қўлланмаси учун), 120-мактаб ўзбек тили ўқитувчиси М. Ш. Холмирзаева («1-синф учун дастур» ва жадваллар» иши учун), 55-мактаб биология муаллими А. О. Косих («Зоология бўйича жадвал» иши учун), 65-кечки мактаб кимё фани ўқитувчиси Б. Ергашева («Химиядан турли-туман топшириқлар» иши учун), 171-мактаб ўқитувчиси Л. И. Раҳимов («Стереометриядан синов ишларининг турли шакллари» иши учун) ва бошқалар бор. 18, 49, 113, 120, 148, 187, 207, 210, 223- ва бошқа мактабларнинг муаллимлари тўпланган иш тажрибаларидан фойдаланишда ижодий ёндашувни, юксак фаолликни чинакамига танлов-кўргазмада намойиш қилдилар.

Яна бир нарсани — у ҳам бўлса танлов-кўргазма яхши ташкил этилганлигини, аниқ, ишчанлик руҳида ва айни пайтда педагогларнинг чинакам меҳнат ва маҳорат байрами сифатида ўтганлигини алоҳида қайд этишни истардим. Бу, шубҳасиз, танлов-кўргазма ўтган жой — 279-мактаб жамоасининг жонкуярлиги ҳамда район халқ таълими бўлими ва методика кабинети раҳбарларининг ташкилотчилиги самарасидир.

Эндиликда ғолибларни — энг яхши кўрсатмали қўлланмалар ва дидактик материаллар ижодкорларини Тошкент шаҳар кўргазма-танлови кутмоқда.

Мухбиримиз.

СУРАТЛИ ЛАВҲА

Тошкент шаҳридаги 157-мактабни йирик корхоналардан бири «Электроаппарат» заводи ҳомийликка олганини кўпгина жамоалар яхши билишади. Аслида мактаб билан завод жамоасининг ҳамкорлик алоқалари бундан икки-уч йил муқаддам тикланган эди. Ўша йиллари илм маскани жамоаси бирон-бир кўрик, беллашув ўтказмоқчи бўлса, завод маъмурияти турли хил совғалар билан белгиланган тадбирга ташриф буюрарди. Ҳамжиҳатлик шу тарзда ривожланиб, ўқувчилар корхона цехларида меҳнат ва ҳунар таълими дарсларини амалий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлайдиган бўлдилар. Айни кунда завод ва илм маскани маъмурияти ўқувчилар меҳнатига ҳақ тўлашни йўлга қўйиш ниятидадирлар.

Суратларда: ўқувчилар завод цехларида бўлиб, ҳунар ўрганишмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА суратлари.

ЮТУҚ — МУҲИТГА БОҒЛИҚ

— Аҳиллик бор жойда қут-барака, ишда унум, ижодий муҳит бўлади, — дейди донолар. Жумҳуриятимизда ўз жамоасининг аҳиллиги, ўқувчилари ва ўқитувчиларининг одоб-ахлоқи билан танилган мактаблар кўп.

Ана шундайлардан бири Андижон вилоятининг Олтинкўл ноҳиясидаги 18-ўрта мактаб жамоасидир. Бу билим маскани бошқаларга ўрнак бўладиган даражада. Мактаб педагоглари таълим-тарбия борасида илғорликни қўлдан бермай келяпти. Жамоага 86 нафар олий ва ўрта маълумотли педагог бирлашган бўлиб, бир неча йилдирки, уларга Омонбой Баҳромов сардорлик қилади.

Яқинда биз Омонбой Баҳромов билан эришилган ютуқлар хусусида суҳбатлашдик.

— Олтинкўл ноҳиясида 18-ўрта мактаб хусусида алоҳида фахр билан гапиришади. Бу қувонарли, албатта. Лекин бунга осонликча эришилмаган бўлса керак. Шундай эмасми, Омонбой ака?

— Аввало, жамоамиз ишидан хурсанд бўлиб, бизгдан ўрнак олаётганларга ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман. Энди аҳиллик хусусида гапирадиган бўлсак, шароитнинг ўзи ҳам айнан шуни тақозо этмоқда. Бақир-чақирлар, арзимас баҳоналар билан муаллимлар дилини ҳуфтон этиш ишнинг унумига, қолаверса, ўқувчиларга таълим бериб, тартибга чақиришга салбий таъсир этади. Кейинги кузатишлар, ўтказилган тадқиқотларимиз ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Тўғри, айрим ҳолларда ўқитувчилар ўртасида ҳам камчиликлар, жузъий хатолар учраши табиий. Бундай пайтда дарҳол шундай муаллимлар билан алоҳида суҳбатлашамиз, қалбига йўл топишга интиламиз. Ким билади, дейсиз, эҳтимол, оиладаги камчилик ва етишмовчиликлар унинг шу куйга тушиб қолишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бундай муаллимларга алоҳида ёрдам кўрсатилиб, ишини ўнглаб олишига кўмаклашамиз. Айни кунда жамоамизда турли миллат вакилларидан иборат 100 нафарга яқин муаллимлар ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Тан олиб айтиш керак, жамоада аҳиллик таъминланмаса, ижодий соғлом муҳит ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мен шундай мактаблардан бирини биламан. Бу мактабга узоқ йиллик педагогик тажрибага эга бўлган мутахассис раҳбарлик қиларди. Шунга қарамай мазкур жамоада носоғлом муҳит, гуруҳбозлик каби иллатлар юзага келди. Муаллимларнинг бир-бирлари билан жанжаллари, юқори ташкилотларга «юмалоқ хат»лар уюштириш тез-тез юз берарди. Афсуски, бу-ларнинг барчаси ўқувчи кўз ўнгида, ҳа, келажак ворислари олдида содир этиларди.

Мен бу мисолга эътиборни қаратишдан мақсадим, аҳилликнинг йўқлиги туфайли муаллимларимиз обрўсизланди. Баъзида эса ўз обрўмизни ўзимиз тўкамизда, кейин ўқитувчининг қадрини тиклайлик, деб жар солиб юрамиз. Худога минг қатла шукурким, бизда бундайлар йўқ, жамоамиз қийналиб қолиши табиий. Бизда эса бунинг алоҳида йўриқлари мавжуд. Мактабимизга ишга келган ҳар бир ёш ўқитувчи, аввало, тажрибали мутахассислардан иборат комиссия аъзолари билан суҳбатлашади. Сўнг ихтисоссига қараб педагогика сўқмоқларида чиниққан муаллимлардан бирига бириктирилиб қўйилади. Вақти-вақти билан унинг дарслари кузатилиб, ютуқ ва камчиликлари очиқчасига айтиб борилади.

Шунингдек, ёш муаллимнинг таълим-тарбия ишида кўникма ҳосил қилиши учун барча шарт-шароитни ҳозирлаганмиз. Масалан, алоҳида бурчак ташкил этилиб, унда турли фанга оид материаллар, кўргазмали қуроллар, қўлбола дастурларни ташкил этиб қўйибмиз. Бу воситалардан ёш ўқитувчи ўзига керакли нарсани ўрганиб, дарсларида аниқ-равшан ижодий қўллаб боради.

— Илғор тажрибаларга эътибор қандай бўлаяпти?

— Таълим-тарбия йўлида қилинаётган барча хайрли ишлар ҳамиша яхши кутиб олинади. Чунончи, мактабимизда бу борада қилинган ишлар, эришилган муваффақиятлар талайгина. Кўпчилик муаллимларимиз ўз мутахассисликлари бўйича дарс ўтишнинг янгича усуллари жорий этиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Масалан, Абдурашид Ҳакимов, Араббой Султонов, Аҳмаджон Жўрабоев, Талъат Мирзаев, Моҳидил Нишонова, Йўлдошвой Исмоилов, Ходимжон Қувватовлар ўз тажрибалари, амалий ишлари билан мактабимиздагина эмас, балки ноҳияда ҳам пешқадамлардан саналади. Ана шу сабабдан ҳам кейинги ўтказилган аттестация якунларига кўра бизнинг жамоамиздан тўрт киши олий тоифага лозим топилди.

Шу ўринда мактабимиз педагогларининг ижодкорлик хусусидаги бир-икки ишларини алоҳида қайд этмоқчиман. Тарих, адабиёт ва шунга ўхшаш айрим фанлар дарсликларининг шу кун талабига жавоб беролмай қолганлиги сир эмас. Масаланинг бу жиҳатлари кенг ўрганилиб, вақтинчалик бўлса-да, мактабимиздаги фан мутахассислари қўлбола дастурлар тайёрладилар ва у мактаб педагоглари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Эндиликда ўқувчиларимиз бу дастурлардан фойдаланиб, маҳаллий материалларни кенг кўламда ўрганишмоқда.

Ютуқлар қаторида нуқсонларимиз ҳам бор, албатта. Масалан, кейинги даврларда бошланғич таълимда бир оз орқада қолиш сезила бошлаганди. Буни ўз вақтида англаб, тўғри хулоса чиқарилди.

— Аҳилликни таъминлашда мактаб маъмуриятининг роли қандай бўлиши керак?

— Бу ўринда эътиборни бир нарсага қаратишни истардим. Кўпчилик кишилар аҳилликни, мактабда таълим-тарбияни кенг шакллантиришни бир ёки икки кишига боғлаб қўйишади. Айтайлик, мактаб раҳбари ёки илмий бўлим мудири ҳамма иш билан шуғулланиши керак деб ўйлашади. Албатта, бу, назаримда нотўғри фикр. Менимча, тарбия ишига ҳамма масъул бўлмоғи даркор. Бизда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир муаллим ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, мактаб кенгашида, фанлар бўйича метод бирлашма йиғинларида фикр-мулоҳазаларини билдиради, таклифларини ўртага ташлайди. Тўғри, ана шуларни йўлга қўйишда касаба уюшмасининг роли катта. Бироқ муаллимларимиз ҳам сукут сақлайдиганлардан эмас.

— Юқорида таълим-тарбия хусусида анчагина фикрлар билдирдингиз. Жамоанинг бу борадаги ишларига ҳам алоҳида тўхталдингиз. Бироқ жамоага жамоатчиликнинг эътибори қандай бўлмоқда?

— Мактабда таълим-тарбияни шакллантириш, ўқувчиларни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш ўқитувчиларнинг иши деган нотўғри тушунча, афсуски, ҳамон кўпгина жойларда ҳукм сурмоқда. Аслида бунда жамоатчиликнинг, ота-оналарнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Очиқчасига айтиш керак, мактабимизда аҳил оиланинг шаклланишида, ўқувчиларимизнинг фан ютуқларини яхши ўзлаштиришларида ота-оналарнинг таъсири катта. Ўқувчиларимиз мактабдан ташқари бўш вақтларида кўча-кўйда бекорчи бўлиб юрмайдилар. Чунки ота-оналардан тузилган махсус гуруҳ ҳамиша уларни назорат қилиб туради.

Энди яна бир муҳим жиҳати: бизда ҳамиша кексаларга суяниб иш кўрилади. Масалан, «Одобнома» дарсларида, албатта, қишлоқ оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар навбати билан таклиф этилиб, дарсларга иштирок этишади. Ўз ҳаётий тажрибаларидан, фарзанд тарбияси, оила аҳиллиги мавзуларида ўқувчиларга гапириб беришади. Булардан ташқари, ўқувчилар билан қариялар ўртасида савол-жавоб кечалари ҳам уюштириб турилади. Кейинги пайтларда бу каби ишларнинг самараси яққол кўзга кўринаяпти. Чунончи, ўқувчилар ўртасида ўзаро самимият, меҳр-муҳаббат, дўстлик ришталари кенг шаклланмоқда.

Хуллас, гапираверса гап тугамаслиги табиий. Энг муҳими, қаердаки аҳиллик, ўзаро ҳурмат-иззат, ҳамжиҳатлик бор экан, ўша ерда тартиб-интизом, ишнинг унуми ҳам, таълим-тарбия ҳам яхши деяверинг. Истардимки, мактабларимизнинг ҳаммасида, ҳамиша аҳиллик бўлсин. Ана шундагина биз халқ таълимини юқори поғоналарга кўтариб олишга, тезроқ мураккабликларни енгиб олиб, янги шароитга мослашишимизга, энг муҳими, ўқувчиларимизнинг келажак сари боришларида тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатишга эришган бўлардик.

Қ. МУРОДОВ,
М. ҚУЧҚОРОВ.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Социализм. Унинг мероси ва келажаги. Ижтимоий тузум тарзидаги социализмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти масалалари, унинг қоидаларини рўёбга чиқариш йўлидаги амалий уринишларни таҳлил этиш, жамиятимизнинг бундан буёнги ривожланиш истиқболларини белгилаш барча ижтимоий фанларнинг ва, аввало, сиёсатшунослик, ижтимоиёт, фалсафа фанларининг эътибор марказида турибди. Биз қандай жамият қурдик? Ў марксизм асосчилари ишлаб чиққан назарий тасаввурларга мувофиқ келадими? Социализмнинг келажаги борми? Бу саволларга турли жавоблар берилаётгани маълум. Кўпдан-кўп фикр ва мулоҳазалар орасида, бир томондан, ғоя ва ижтимоий практика сифатида социализм инқирозга учради, деган даъволар, иккинчи томондан эса, пролетариат диктатурасини қайта тиклаб, халқни 1917 йилда халқ танлаб олган социализм йўлидан қаттиққўллик билан бошлаб бориш ҳақидаги даъватлар бир-бирининг мутлақо акси бўлган нуқтаи назарлардир.

Социалистик ғоянинг ўзи қандай юзага келганлиги тўғрисидаги масала кўпинча муҳокамаларнинг илк нуқтаси бўлиб қолмоқда. Баъзилар социалистик ғоя — беҳуда мулоҳазаларнинг самараси, ҳаёлий бир нарса ва ҳақиқий турмушда унинг ҳеч қандай илдизи йўқ деб, ҳеч қачон ҳақиқатга айланиши мумкин бўлмаган олий мақсад деб даъво қилмоқдалар. Иккинчи томоннинг далиллари эса қуйидагича: аввало «социализм» сўзининг асл маъносини олиб кўрайлик. Бу сўзни биринчи марта француз инқилобчиси Пьер Леруа ишлатган эди. Социализм ҳудбинликнинг акси бўлган жамоатчилик негизи деб талқин этилган эди. Шу маънодаги социалистик ғоя бир неча аср яшади. Уни Маркс ўйлаб топган эмас. Буржуа инқилоблари шахс эркинлигини эълон қилиш билан бирга амалда ижтимоий тенглик ва синфий антагонизмлардан иборат илк капиталистик жамиятга олиб келди. Шахснинг ҳақиқий эркинлиги жамиятнинг барча аъзоларини озод этишни талаб қилиши ёки, марксизм асосчилари ёзганларидек, «ҳар бир кишининг эркин камол топиши, ҳамманинг эркин камол топиши шарти» эканлиги аниқланди. Социализм ғоялари пайдо бўлгач, миллионлаб кишиларнинг онгига сингиб кетди, қудратли ижтимоий кучларни ҳаракатга келтирди. Жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида чуқур ўзгаришларга олиб борди. Инсониятнинг моддий ва маънавий ривожланишида чуқур томир ёйган ғояларигина шундай кучга эга бўлади. Модомики шундай экан, социализм ғоясининг ўзи инқирозга учрагани ҳақида гапираётганларнинг фикрига қўшилиб бўладими? Мана шу далил-исботлар бу саволга салбий жавоб қайтариш имконини беради, деб ўйлаймиз.

Қайта қуриш ва маънавийлик. Жамиятшуносликнинг ахлоқ-одоб каби тармоғи ҳам анчагина янгиланмоқда. Ахлоқ тушунчасининг ўзи ўзгармоқда. Ҳар қандай маданиятда ўзининг ахлоқ тимсоли мавжуд бўлади. Масалан, христиан маданий анъанаси доирасида Мусо пайғамбарнинг ваъзлари, бундан ҳам кўпроқ Исо масиҳнинг насиҳатлари ахлоқни белгилаб берган эди. Янги даврда ҳосил бўлган олий мақсадга кўра ахлоқий шахс эркин фуқаро сифатида намоён бўлади. Бизнинг жамиятимизда 20—50-йилларда ахлоқ сиёсий фойдалилик, давлатнинг амалий эҳтиёжлари билан айнан бир нарса деб тушунилди. Эндиликда ахлоқ тобора кўпроқ умумбашарий ҳолат деб тушунилмоқда. Бундан ташқари, у маданиятнинг бошқа кўпгина соҳалари (ҳуқуқ, санъат) билан бир қатордаги кўриниш деб ҳисобланмаяпти, балки ўша қатордан асос, илдиз сифатида ажратиб олинмоқда, маданиятнинг бошқа ҳамма кўринишлари шу илдиздан ўсиб чиқади деб ҳисобланмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида фаолиятнинг ахлоқий жиҳатлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу муаммога учта турлича ёндашувни таҳлил этамиз. Қуйидаги далил-исботларни пухта ўйлаб кўриб, ўз фикрингизни айтишни таклиф қиламиз.

1. Иқтисодий самарадорлик ахлоқийлик билан чамбарчас боғлиқ. Бозор муносабатларига ўтиш янги, самаралироқ иқтисодиёт йўлини очади, бинобарин, меҳнатнинг инсонпарварлик мазмунини қайта тиклайди ва ахлоқ-одоб нуқтаи назаридан бу муносабатларга ўтиш мутлақо ўринлидир, бошқача қилиб айтганда, одамларга керакли яхши буюмларни ишлаб чиқарувчи инсон ўз ишининг юксак билимдони бўлиб, айни вақтда юксак ахлоқий позицияни ҳам эгаллайди (гарчи у шахс сифатида ёқимсиз, баджаҳл инсон бўлса ҳам).

2. Бозор иқтисодиёти ижтимоий турмушга одамларнинг маънавий туйғуларини таҳқирлайдиган белгиларни киритади: мулкий тенгсизликни кучайтиради, иқтисодий мусобақага бардош бермаган кишиларни ижтимоий жиҳатдан пастга уради, одамлар ўртасида бегоналашувни оширади. Шу сабабли янги иқтисодий муносабатларга бир хил маънавий баҳо бериб бўлмайди.

3. Маънавий категориялар — кўп жиҳатдан жамият учун мутлақ бўлган барқарор бир нарсадир. Шу сабабли уларни ҳатто маърифатли бозор ва меҳнатга қараб ҳақ тўлаш тарзида бўлса ҳам, ўткинчи, нисбий ҳолат билан айнан бир нарса деб бўлмайди. Инсон ўз қўшнисидан кўра кўпроқ пул ишлаб, яхшироқ яшашни ўзига эп кўра олмайди ва ҳеч қачон эп кўрмайди. Инсон мутлақ дунё билан алоқада бўлиши керак, мана шу алоқани эса ахлоқийлик таъминлайди, ахлоқийлик эса умуман олганда ҳозирги ҳолатдан қониқмаслик рўй берган жойда, яъни яхши бўлиб кўринса ҳам, мувақкат ва ўткинчи ҳолатдан қониқмаслик шароитида, олий мақсад билан воқелик ўртасида бартараф этиб бўлмайдиган тафовут пайқаб олинган жойдагина бошланади.

Ҳозирги дунёдаги ёшлар. Бу муаммонинг муҳокамаси марказида бир неча масала турибди.

1. Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш — ҳар қандай жамиятнинг энг муҳим вазифалари ҳисобланади. Ҳозир бу жараёнда қандай ўзгаришлар рўй берди? Ҳозирги шароитда шахснинг қайси сифатлари ижтимоий жиҳатдан қимматли бўлиб қолди?

Шу муаммолар юзасидан айтилган мулоҳазаларга қулоқ беринг. Ҳозирги болалар ўз ота-оналари яшаган дунёдан анча фарқ қиладиган дунёда яшайдиган бўладилар. Шу сабабли кекса авлодлар ўз билимлари ва эътиқодларини ёшларга ўргатибгина қолмай, уларни ота-оналар ҳаётлик пайтида бўлмаган шароитда мустақил ҳаракат қилиш ва қарорлар қабул этиш учун тайёрлаш ҳам муҳимдир. Яқин келажакдаги жўшқин жамиятда яшаш ва меҳнат қилиш учун шахс маълум даражада бир-бирига зид хусусиятларни эгаллаб олиши керак бўлади. Бир томондан, шахс бўлиш, барқарор дунёқарашга, маънавий эътиқодларга эга бўлиш керак. Акс ҳолда, мураккаб ҳаётий вазиятларда инсон ё «иккига бўлиниб» қолади, ёки асаби бузилади. Иккинчи томондан, руҳий жиҳатдан юксак эпчиллик, янги ахборотни ўзлаштириб, қайта ишлаш қобилияти, ёшлигидагина эмас, эски билимлар билан яшашга одатланган ёшида ҳам янгилик ярата оладиган бўлиши зарур. Шундай қилмайдиган шахс тарихнинг ривожланишидан орқада қолади.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Ўзбекистон давлат тили ҳақидаги Қонун қандай бажарилмоқда

ҲАМОН ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС...

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига икки йил тўлди. Ўзбекистон халқи бундан кейин ҳар йили 21 октябрни бир умр тарихда қоладиган муҳим воқеа сифатида кенг байрам қилишга ҳақли бўлиб қолди. Ҳа, бу кунларни, эркинликни, ҳур дамларни халқимиз кўпдан буён орзиқиб кутган эди. Бугун ўша орзуларимиз ушалишига катта умид кўзи билан қараяпмиз.

Халқимизнинг ажойиб нақли бор: одамнинг ўзи етмаган ерга сўзи етар, дейдилар. Надоматлар бўлсинки, асрлар давомида ўзимиз ҳам, сўзимиз ҳам ҳеч ерга етмай келди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгунга қадар биргина Самарқанд вилоятида эмас, жумҳуриятимизнинг ҳамма ерида мутлақ кўпчилик боғча-яслиларда таълим-тарбия иши ўрус тилида олиб бориларди, эндиликда кичкинтойларни фақат ўрус тилида тарбиялашдек педагогикага хилоф одатларга буткул чек қўйишга киришилди. Азим Самарқанд шаҳрининг ўзидагина бор-йўғи 2 та ўзбек тилидаги мактабгача тарбия ўчоғи бор эди, холос. Ҳозир уларнинг 70 тага кўпайганлиги кимни қувонтирмайди, дейсиз! Давлат тили тўғрисидаги Қонун талабларига риоя қилиб, Самарқандда 16 та тожик болалари тарбияланадиган яслибоғчалар ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Ҳозир вилоятдаги 1131 та ясли-боғчалардан мингтага яқини ўзбекча, ўзбекча-тожикча, ўзбекча-ўрусча тилларда гаплашадиган болалар муассасаларига айлантирилди. Бу ишларни амалга ошириш йўлида ҳазилакам ишлар қилинмади. Яна Самарқанд ҳақида мисоллар келтирамиз: ҳозирги мавжуд 63 та мактабдан 6 таси соф ўзбек тилида, 13 таси ўрус тилида ва қолган 44 таси аралаш мактаблар ҳисобланади. Ўзбек тилида таълим бераётган 903 та синфларда 26 минг 558, 1106 та ўрис синфларида 31 мингдан зиёд ва 206 та тожик синфларида эса 5 минг 993 бола таҳсил кўраяпти.

Лекин шу ўринда қайд қилиш керакки, етмиш йил мобайнида она тилимиз грамматикасини камбағаллаштиришга қандай «ҳисса» қўшган бўлсак, уни бойитиш ҳам, Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги Қонунига муносабатимиз ҳозиргидай бўлса, ўзлаштириш ҳам шунча йилни талаб қилса керак.

Мақсадга эришиш учун ишни фарзандларга тилни ўргатишдан, миллий мактабни тиклашдан бошлаш зарур. Ўз она тилисини, ўз халқининг миллий маданияти, урфу одатини, тарихини билмаган инсон ҳеч қачон маънавиятдан баҳраманд бўлолмайди ва ўзини, мен мустақилман, деб айтишга тили ожизлик қилади.

Хизмат тақозоси билан мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олийгоҳларда, шунингдек, идора ва муассасаларда бўлганимизда, она тилимизга бефарқ қараётган кишилар билан юзма-юз бўламиз. Ҳали ҳам йиғилишларни ўрус тилида олиб бориш, ўрус тилида узундан-узоқ, музокара, савол-жаволар қилиш ҳукм сураётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу йиғилишларда иштирок этаётган ўз фикр-мулоҳазасини ўрус тилида аниқ-равшан ифодалаб беролмайдиган кўпчилик кишилар гунг бўлиб, оғзига талқон солгандай бошини сарак-сарак қилишдан нарига ўтолмайди, виждон азобига чалинади.

Бизда забардаст ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари кўпчиликни ташкил этади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўз талабига яраша иш билан таъминланмаган, шунинг учун бошқа соҳаларда хизмат қилиб юрганлар истаганча топилади. Халқ таълими ишига ғамхўр, жон-дили билан берилган раҳбарлар жуда озлиги ҳам умумий ишимизга салбий таъсир қилаяпти.

Яна Самарқанд шаҳри мисолида фактларга мурожаат қилмоқчимиз: Темирйўл ноҳиясидаги 29-ўрта мактабда биология ўқитувчиси А. Азизова, 50-ўрта мактабда тарих ўқитувчиси Ё. Фахриддинова, 63-ўрта мактабда математика ўқитувчиси Н. Қаршиева синғарилар она тили ва адабиётдан дарс бериб келмоқдалар. Юқорида номлари тилга олинган кишилар тоифасидаги 22 нафар бошқа фан ўқитувчилари ноҳия мактабларида ўзбек тилидан дарс бермоқдалар. 1991-92 ўқув йилининг биринчи ярми ниҳоясига етди. Аммо 51-ўрта мактабда ўзбек тилидан дарс берадиган ўқитувчи ҳамон топилмаётганини қандай баҳолаш керак? Ёки 41-ўрта мактабда кўп йиллардан буён ўзбек тили ўқитувчисининг йўқлигини ва мактаб директори бу ишга панжа орасидан қараб келаётганлигини қандай тушуниш керак? Бундай манзарани шаҳарнинг Боғишамол ноҳия мактабларида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир ана шу ноҳия мактабларида 29 киши она тили ва адабиётдан мутахассис бўлмаса ҳам ўзбек тилидан дарс бериб келаяпти. Шаҳарнинг ўрус тилида ўқитилаётган мактабларида ҳам бошқа мактабларнинг ўрус синфларида ҳам дарс бераётган ўқитувчиларнинг 60 фоиздан кўпроғи кўп йиллардан буён малака ошириш курслари бетини кўрмай келаётганлигига нима дейсиз? Темирйўл ноҳиясидаги 50-ўрта мактабда 11 киши ўзбек тилидан дарс беради. Лекин уларнинг бирортаси ҳозиргача малака ошириш курсларига қатнашгани йўқ.

Юқорида тилга олинган манзара денгиздан томчи, холос. Ўзбекистон давлат тили тўғрисидаги Қонунни бажариш йўлида не-не ғовлар қўйилганлиги шаҳар маъмурларига ҳам, атамашунослик қўмитасига ҳам беш бармоқдай маълум.

Бундан бир йил илгари Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Кенгаши қошидаги атамашунослик қўмитасининг комиссияси Самарқандда бўлиб, Самарқанд шаҳридаги ташкилотлар, муассасаларда ўзбек тилида иш юритишга жуда кам эътибор берилаётганлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди. Лекин шунга қарамасдан, иш комиссия белгилаган тадбирлар асосида олиб борилмади.

Шаҳар халқ таълими бошқармасига кирсангиз, унинг эълонлар тахталарида ҳам, коридор деворларига осилиқ қоғозларда ҳам ўрус тилида ёзилган ҳужжатлар, йўл-йўриқларни кўришингиз мумкин. Жумладан, «Перечень документов, преставляемых на МПК», «Дислокация специализированных детских садов в г. Самарканде», «Советы врача о травматизме», «Развитие общественного дошкольного воспитания по городу Самарканду», «График приема посетителей в Самаркандском гороно», «Архив. Посторонним вход воспрешен!» каби сон-саноқсиз ёзувларни учратишингиз мумкин.

Бу ерда халқ таълими кенгашлари ўрус тилида ўтказилади. Кенгаш қарорлари ҳам ўрус тилида расмийлаштирилади. Ҳеч ким ҳужжатларни таржима қилишга бош қотирмайди. Бу қарорлар, кўрсатмалар шаҳардаги ноҳия халқ таълими бўлимларига, айрим мактабларга жўнатилади.

Темирйўл, Боғишамол ва Сиёб ноҳия халқ таълими бўлимларида ҳам, айрим мактабларда ҳам ўрус тилида иш юритиш ҳамон авжида. Темирйўл, ноҳиясидаги кўпчилик мактабларда давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши фақат оғизда эканини кўриб ёқа ушладик. Шаҳар халқ таълими бошқармаси юқорида тилга олинган аҳвол ва тартибсизликлардан воқиф эмасми, деган ҳақли савол туғилади. Шаҳар халқ таълими бошқармасининг бошлиғи В. М. Четвериков ва шаҳар педагогика кабинетининг мудири М. Л. Филипенко ўртоқлар шаҳар халқ таълими даргоҳларида юз бераётган воқеалардан тўлиқ хабардор. Аммо улар ўз тинчлигини кўзлаб, ҳузур-ҳаловатларини ўйламоқдалар. Қонуннинг 6-моддасида эса «Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон қилинади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади» деб аниқ ёзиб қўйилган ва ушбу модда Қонун қабул қилинган кун — 1989 йилнинг 21 октябридан кучга киритилган.

Ёш авлод мактабда бир манзарани, кўча ва жамоат жойларида бошқа манзарани кўриб, ўз ўқитувчисига ҳам ишонмай қўяди. Самарқанд шаҳрининг кўчалари ўз номига эга эмас. Ҳатто айрим идораларнинг пешлавҳалари ҳамон ўз ҳолича турганлиги тепа сочингизни тикка қилади. Ёки ҳеч бир маъно касб этмайдиган кўчалар сайқали рўйи замин ҳисобланган Самарқанд шаҳрига қора доғ бўлиб турибди. Мана улардан айримлари: «Коммунистическая», «Бажова», «Братская», «Возрождения», «Почтовая», «Садовая», «Новая», «Заводская», «Дуальской», «Петровского», «Профессорская», «Виноградная», «Шелководная», «Родниковая», «Артиллерийская», «Кавалерийская», «Красновосточная», «Рабочая», «Ангарская» каби кўчалар шаҳарда истаганча топилади.

Биз Пахтачи ва Нарпай ноҳияларида бўлганимизда, Ўзбекистон давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш соҳасида боқибеғамлик кайфияти ҳукм сураётганининг гувоҳи бўлдик. Бунга Пахтачи ноҳия халқ таълими бўлимида (бошлиғи ўртоқ Г. Ҳакимова), кўпгина ҳужжатлар ҳануз ўрус тилида расмийлаштирилаётганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Ҳар иккала ноҳиянинг қишлоқларида мавжуд бўлган боғча-яслиларнинг кўпчилиги ўрус тилида номланганлиги ҳам бизни ҳайратда қолдирди. «Ромашка», «Аленушка», «Чебурашка», «Солнышко», «Теремок», «Золотой петушок» каби номлар давлат тилига беписанд бўлишнинг ўзгинасидир.

Масаланинг яна бир жиддий томони борки, бу, хусусан, халқ таълими бошқарма ва бўлимларида раҳбарлик қилаётган боқибеғам раҳбарларнинг айби билан содир бўлмоқда. Неға энди ўрус ва хорижий тиллар синфда ўқувчилар сони 25 тадан ортиқ бўлса, уларни иккига бўлиб ўқитилади, устига устак ўрус тили ўқитувчиларига 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланади-ю, кўпчилик ўзбек тили ўқитувчилари бу имтиёзлардан маҳрум бўлиб келмоқдалар?

Умуман олганда, Ўзбекистон давлат тили ҳақидаги Қонунни рўёбга чиқариш соҳасида халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси қошидаги атамашунослик комиссиясининг фаолияти ҳамон таъсирсизлиги яққол кўриниб турибди.

Тилга эътибор — элга эътибор, тилга ҳурмат — элга ҳурмат, деган нақллар авлод-аждодларимиз тилида ҳам, дилида ҳам қайта-қайта такрорланиб келинаётган экан, биз ундан жуда чуқур хулоса чиқаришимиз даркор, албатта. Афсуски, «аппаратчи»лар ўзбек тилини ўрганишни ор билиб, қонунга бармоқ орасидан қараб келмоқдалар. Улар давлат тилига ҳурматсизларча: «Ҳали вақт бор-ку, ўрганамиз-да», дея қонунда маълум муддатлар белгиланганлигини баҳона қилиб юришибди.

Хуллас, энг муҳими — қонунни расмий муҳокама қилибгина қолмай, балки уни астойдил бажаришга ҳаракат қилиш керак. Миллий тилни ўрганиш мажбурий, демак, тилни билмайдиган ўртоқлар ўзбек тили ҳақидаги Қонуннинг пировард мақсади ва уни ўрганиш ҳаёт тақозоси эканлигини унутмасликлари даркор.

А. АМИНОВ,
Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси умумий таълим мактаблари бўлимининг бошлиғи.
Д. КАРИМОВА,
вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг методисти, жамоатчи мухбиримиз.
З. БАҲРИЕВ,
ўз мухбиримиз.

ҚЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ

Москвада Куба халқининг миллий қаҳрамони Хосе Мартининг 139 йиллигини нишонлаш учун элчихонага йиғилганларнинг бу қутлуғ сана ёдидан чиқиб, Фидель Кастро тарафдорлари ва унинг снёсатига қаршиларнинг ўзаро тўқнашувигача борган бўлса, Тошкентда бу тадбир байрамона рухда ўтди.

Пойтахтдаги 162-ўрта мактаб жамоаси ташаббуси билан куни кеча илм масканида кубаликларнинг прогрессив шоири, атоқли публицист Хосе Мартининг 139 йиллигига бағишлаб кеча ташкил этилди. Жумҳуриятимизда меҳмон бўлиб турган Кубанинг Москвадаги элчиси Хосе Рамон Балагер Қабриера ҳамда Тошкентдаги консул Хелберто Мора Ниетолар тантананинг меҳмони бўлишди.

— Хосе Марти ўз шеърларида, мақолаларида илгари сурган ғоялар ҳанузгача Куба халқи учун йўлчи юлдуз бўлиб келмоқда, — деди Хосе Рамон Балагер Кабриера. — Бизнинг қаҳрамонимиз ҳақидаги илиқ сўзларни ўзбек халқи болалари тилидан эшитиш мени жуда-жуда ҳаяжонга солди. Бутун Куба халқи номидан сизларга миннатдорчилик билдираман. Бундан кейинги режалар бўйича Ўзбекистон билан тўғридан тўғри дипломатик алоқаларимиз ўз йўлига тушиб олса, дўстлигимиз янада мустаҳкамланишига ишончим комил.

Бу тадбирнинг шу масканда бўлгани ҳам бежиз эмас. Негаки бу ерда тўлиқ базага эга бўлган ҳолда испан тили ўқитилади. Бунинг устига мактаб бундан икки йил бурун ташкил этилган бўлиб, Тошкент — Куба дўстлиги жамиятига аъзо.

Кеча якунида мактаб ўқувчилари тайёрлаган ўзбекча ва испанча қўшиқ-рақслардан иборат гулдаста томошабинларга тортиқ қилинди. Меҳмонлар доира садосига кубача рақс тушиб беришди.

Мухбиримиз.

СОВРИНДОРЛАР, УЛАР КИМЛАР?

(Боши 1-бетда).

Ўқитувчи Илёс Эргашевнинг эса рақса тушиш жони-дили. У шу жойнинг ўзидаёқ ажойиб рақсларини намойиш этиб, олқишлар олди...

Мана, ниҳоят, якунлар. Биринчи ўрин бир овоздан Мукамбар Эргашевага берилди. Ўн тўққиз йиллик иш стажига эга бўлган бу ўқитувчи чинакамига ўз ишининг моҳир устаси. Унинг ўқувчилари ҳар йили жумҳурият олимпиадаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Муаллиманинг ўзи ва унинг иш усуллари тўғрисида вилоят ва республика рўзномаларида мақолалар бот-бот чиқиб туради. У Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олий билимгоҳига ҳам тез-тез таклиф қилинади. Мукамбар Эргашева она тили ва адабиёт ўқитувчилари малака ошириш курсларида лекциялар ўқийди, ўз тажрибаларини курс тингловчилари билан ҳам ўртоқлашади.

— Мен мактабимиз ўқитувчилари ҳамда ўз оилам аъзоларидан, турмуш ўртоғим ва болаларимдан беҳад миннатдорман, — дейди мамнуният билан М. Эргашева. — Улар менга мазкур танловга тайёргарлик кўриш учун ҳам шарт-шароит яратиб бердилар. Бугунги кунда — республикамизда ўзбек халқининг анъаналари жадал қайта тикланаётган, ўзбек тили давлат тили деб эътироф этилган, ниҳоят биз буюк шоирларимиз томонидан ёзилган асарларнинг моҳиятини тушуниб ета бошлаган, оналаримиз айтган аллалар қайта туғилаётган бир пайтда беихтиёр фикрлар ummонига чўмамиз: агар ҳозирги авлод Алишер Навоий, Амир Темур ва Муҳаммад ал-Ҳоразмий васиятларини билмаса, Чўлпон ва Усмон Носирлар фаолияти билан таниш бўлмаса, эртага қандай авлод юзага келади? Агар ҳозирнинг ўзидаёқ таълим ва тарбия ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, ахлоқий тушунчаларга, виждон ва қатъиятлиликка садоқат туйғуларини қарор топтиришга йўналтирилмаса, агар уларда миллий анъаналарга муҳаббат ва ҳурмат камол топтирилмаса, у ҳолда эртага уларнинг янгиланган жамиятнинг муносиб фуқаролари бўлиб етишишлари тўғрисидаги орзуларимиз хомхаёл бўлиб қолади.

Ўқитувчининг бош вазифаси ўқув материалини оддий ва жонли тушунтиришдан иборат. Шунинг учун ҳам у дарсларда «шаклли» бўлак қоғозлари, «Жонли компьютер», «Бошқотирма грамматик дақиқалар», «Телевизордан эшиттиришлар» ва бошқаларни фаол қўллайди. Муаллима синфдан ташқари ишларни ҳам эсдан чиқармайди. У «Ўзбек тилим — она тилим» сценарийси учун диплом билан тақдирланган. Наврўз миллий байрамига бағишланган адабий композицияси ва миллий анъаналарига бағишланган ноҳия байрамида фаол иштирок этганлиги учун эса яна I даражали диплом билан мукофотланган.

Иккинчи ўринни Лазокат Усмонова олди. У ҳам ўз ишида таълимнинг турли шакллари ва усулларидан (лекция дарслари, семинар-дарс, синов-дарс, танлов-дарс ва бошқалардан) моҳирона фойдаланади. Лазокат бу хилма-хил дарсларда ўқувчиларда физика фанига оддий қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки фанга, умуман фанларга муҳаббатни шакллантиради.

Ўз кучи билан ва айни пайтда садоқатли ёрдамчилари — ўқувчиларга таяниб у жиҳозлаган фан кабинетини кўрган киши қойил қолмай иложи йўқ. Бу ерда ҳамма-ҳамма нарса аниқ танланиб, юксак дид билан жиҳозланган.

Лазокат Усмонова яхши ўқитувчигина эмас, у айни пайтда мактаб хотин-қизлар кенгашининг раиса сифатида ҳам фаол, ижодий иш олиб бораётир.

Учинчи ўринни чорак асрдан бери Янгийўл шаҳридаги С. М. Киров номли 6-ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс бериб келаётган педагог Алла Сергеевна Соколова олишга мушарраф бўлди. У «Билимдонлар танлови»да шоир Фидравсий қаламига мансуб шеърий сатрларни савол берилган заҳотиёқ айтиб берди. Ажойиб шоир Фурқат 1858 йилда Қўқонда туғилганлигини, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эса маорифга бағишланган асар ёзган шоир эканлигини ҳам бошқалардан олдин биринчи бўлиб Алла Сергеевна айтди. Танлов баҳсининг бу босқичида у барча даъвогарлардан ўзиб кетди.

— Уйимни китоблар безаб туради, — дейди Алла Сергеевна. — Улар менинг асосий бойлигим. Китобларим жуда кўп. Янги сотиб олган китобларимни жавонга жойлаш олдидан ҳар бирини синчиклаб ўқиб чиқаман, зарур жойларни белгилаб қўяман.

Мактабда 25 йиллик ишим давомида кўплаб методик китоб ва журналларни ҳамда ажойиб педагоглар Сухомлинский, Ильин, Амонашвили, Шаталов ва бошқалар тўғрисидаги мақолаларни ўқидим. Кўп миқдордаги методик ишланмалар ва тавсияларни кўриб чиқишга ҳам тўғри келди. Ҳар бир тажрибадан энг яхшиси ва қизиқарлисини, ўзимга муносиб ва яқинини олишга, уларни қалбимдан қайта-қайта ўтказишга, ниҳоят, ўзимники қилиб ишлаб чиқишга ва ўз услубимга айлантиришга ҳаракат қилдим. Мен учун энг муҳими — бу болалар, уларга сезгирлик ва эътибор билан ёндошишдир. Истагим — уларга саводли ўқиш ва ёзишни ўргатибгина қолмай, балки уларни маънавий ҳаёт манбаи — китобларни ўқишга, маданият билан ошно бўлишга, ўқишга иштиёқларини оширишга ўргатишдир.

Шундай қилиб, «Тошкент вилояти 92 йил ўқитувчиси» танлови поёнига етди. Ташкилотчилар — Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси, халқ таълими ходимлари вилоят касаба уюшмаси қўмитаси, вилоят Ёшлар иттифоқи ва Янгийўл мебель фабрикаси танлов иштирокчиларига совғалар келтиришди. Биринчи ўрин учун 3 ойлик миқдорида маош ва «Ўзбекистон Республикаси маорифи аълочиси» кўкрак нишони мукофотига тавсия; II ўрин учун 2 ойлик миқдорида маош, III ўрин учун 1,5 ойлик миқдорида маош, IV—VIII ўринлар учун ҳар бири бир ойлик миқдорида маош билан тақдирланди. Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасининг мукофотлари ана шундай бўлди.

Вилоят касаба уюшмаси қўмитаси танловнинг финал учрашуви ҳар бир қатнашчисига санаторийда дам олиш учун бир донадан бепул йўлланма ажратди.

Вилоят Ёшлар иттифоқи қўмитаси совринли ўринларни эгаллаган финалчиларга қимматбаҳо совғаларини топширди. Шунингдек, томошабин эътиборини қозонган муаллимага ҳам соврин таъсис этилган эди. Бу мукофот Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Меҳрихон Мирзаевага берилди. У миллий рақсни маҳорат билан ижро этгани ва мазкур танловга бағишланган ўз шеърини ғоят юксак бадиий ўқиб берганлиги учун ана шу совринни олишга муваффақ бўлди.

А. БАЯНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВОҚЕАЛАР ФАКТЛАР ШАРҲЛАР

ТУРКИЯ

ОЗАРБАЙЖОН президенти А. Муталибовнинг қўшни Туркия жумҳуриятига қилган сафари ниҳоясига етди. Ўз ватанига жўнаб кетиш олдидан А. Муталибов Истамбул халқаро тайёрагоҳида журналистлар ҳузурида гапириб, ўзининг Туркияга қилган сафари жуда фойдали ҳамда самарали бўлганлигини таъкидлади. Президент ўзининг Туркия президенти Т. Ўзол ҳамда бошқа олий даражадаги раҳбарлар билан бўлган учрашувларига катта баҳо берди. Туркия билан дўстлик, ҳамкорлик ҳамда яхши қўшничилик тўғрисида тузилган шартнома тўғрисида тўхталиб, Туркиянинг юксак техникавий имкониятлари Озарбайжоннинг бозор тижоратига ўтиш йўлида катта ёрдам беради, деди президент. Гап Озарбайжон миллий армиясини вужудга келтириш тўғрисида борганда, Озарбайжон президенти ўқиш учун Туркияга Озарбайжон зобитлари юборилажаклигини ҳам маълум қилди.

Рейтер ахборот агентлиги эса Турғут Ўзолнинг расмий вакили гапларига суяниб, ҳар иккала мамлакат иқтисодий ҳамда тижорат алоқаларини кучайтириш юзасидан бир битимга келганлигини таъкидлади. Туркия Озарбайжонга тижорат ҳамда фуқаролик қонунларини ишлаб чиқишда, банк иши, суғурта, халқаро савдо ҳамда дипломатия мутахассисларини тайёрлашда ёрдам кўрсатади. Шунингдек, деб таъкидлади Туркия президенти вакили, Туркия қўшни жумҳуриятга буғдой етказиб беришда ҳам кўмак кўрсатади. Аммо вакил бу битимнинг қандай амалга оширилиши тўғрисида ломмим демади.

ЛИВИЯ

ЛИВИЯ инқилобининг раҳбари Муамар Каддафий яқинда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳузурида сўзга чиқиб, менинг мамлакатим ўтган йилларда, балким, халқаро қонунларга хилоф тарзда иш тутган бўлиши мумкин, деди. Лекин бундан буён Ливия фақат қонуний ҳаракатлар ҳамда сиёсий гуруҳларнигина қўллаб-қўлтиқлаши мумкин, деди М. Каддафий. У эндиликда Ливия Ирландия Республика Армияси деб аталмиш гуруҳга қурол-яроғлар етказиб берилиши тўхтатилганлигини ҳам хабар қилди. Чунки Ливия мазкур «армия»нинг террорчилик саъйи-ҳаракатлари билан шуғулланганлигига амин бўлди.

АРГЕНТИНА

АРГЕНТИНА Эронга ўз ядровий дастурини амалга ошириш соҳасида кейинги йилларда кўмак бериб келаётган эди. Аргентинада чиқадиган маҳаллий матбуот хабарларига қараганда, бундан буён Аргентина ядровий дастурин амалга оширишда Эронга кўрсатадиган ёрдамини тўхтатиб қўяди. Мазкур масалага тааллуқли қарор Америка Қўшма Штатлари тазйиқи натижасида қабул қилинган бўлиши мумкин, деган тахмин бор.

МАВРИТАНИЯ

ЎТГАН душанба куни Мавританиянинг энг катта икки шаҳрида комендантлик соати жорий этилди. Сиёсий оппозиция вакиллари маҳаллий полиция президентлик сайловлари натижалари тўғрисида норозилик билдирган намойишчилардан бир неча кишини отиб ўлдирди, деган хабар тарқатгач, маъмурият юқоридагича ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Шу орада сайлов якунлари эълон қилинди. 62,8 фоиз овоз олган ҳарбий раҳнамо Маовия Улд Сид Аҳмад Той ғалаба қилганлиги эълон қилинди.

ГОНДУРАС

ЎТГАН якшанба куни номаълум шахслар Гондураснинг собиқ президенти Роберто Суасо Кордованинг мамлакат пойтахтидаги уйини ўққа тутдилар. Ҳайрият, автоматдан отилган ўқлар бино ичидаги кишиларга зарар етказмади. Журналистлар билан бўлган учрашувда Р. С. Кордованинг ўғли Байрон Суасо бу ишни сўл экстремистлар амалга оширган бўлиши мумкин, деган тахминни айтди. Бироқ Гондурасда ҳаракат қилаётган бирон-бир гуруҳ бу ҳуружни ҳамон ўз зиммасига олганича йўқ.

КЕНИЯ

ЯҚИНДА мамлакатнинг энг катта қўриқхоналаридан бири бўлган Масан-Мара томон учиб кетаётган, ичида саёҳатчилар бўлган тайёра ҳалокатга учради. Тайёра двигатели ичига катта қушнинг кириб кетганлиги ҳалокатга сабаб бўлди. Тайёрани бошқариб борган учувчи мажбурий равишда қўниш учун уриниб кўрди, бироқ тайёра ёниб кетди.

ФИЛИППИН

ФИЛИППИН собиқ президенти Ф. Маркоснинг 62 яшар беваси Имельда Маркос шу йил 11 майда бўладиган президентлик сайловларида ўзининг иштирок этишидан далолат берадиган биринчи қадамни қўйди. Куни кеча у номзодлар тўғрисидаги ҳужжатни тўлдириб берди. И. Маркос тарафдорлари бу маросимни тантанали равишда маъқулладилар.

АНЪАНАГА АЙЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов районидаги 203-мактабга Аҳмад Яссавий номи берилганига бир йил тўлиши муносабати билан Катта Қаъни, Қизил Шарқ маҳалла аҳли, халқ таълими бўлими, ўқув юртлари, илмий муассасалар вакиллари «Ўзлигингни англашга фурсат етди» мавзусида яссавийхонликка йиғилишди.

Мактаб ўқувчилари бу кунга катта тайёргарлик кўрилганини йиғилганларнинг ҳар бир мисра шеър, ижро этилган қўшиқларни жон қулоқлари билан тинглаганликларида, нотиқларнинг Яссавий ижоди покланиш, ҳалоллик, меҳр-шафқатга, илм-маърифатга даъватдан иборат эканлиги ҳақидаги сўзларини мароқ билан тинглаганликларидан ҳам кўриш мумкин эди.

Анжуманда мактаб ота-оналар қўмитаси раиси, профессор К. Назаров халқимиз қадриятлари тикланаётгани, кишилар ўзлигини таниётгани, яссавийхонликнинг анъанага айланаётганида намоён бўлганлигини қайд этиб, маънавиятни оёққа турғизиш зарурлиги ҳақида гапирди. У шу маҳаллада яшаб ўтган Мулла Тош отанинг меросини ўрганиш, унинг сафдошларини излаб топишни, тўплаган китобларидан фойдаланишни таклиф этди.

Яссавийхонликда иштирок этган Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири Т. Содиқов мактаб ўқувчилари Яссавийнинг «Дунёда энг яхши иш донолар билан суҳбат курмоқ ва илм ўрганмоқдир» деган сўзларига содиқ эканликларидан, педагогик жамоанинг хайрли ишлардан мамнун бўлганлигини айтди ва институт мактаб лабораторияларини жиҳозлашда, шунингдек, бинони таъмирлаш ишларида моддий ёрдам кўрсатишини, ҳомий сифатида ўқувчиларнинг кимё соҳасида касб эгаллашларига, олий ўқув юртларида ўқишларига камарбаста бўлишга ваъда берди.

Анжуманда сўзга чиққан район халқ таълими бўлими инспектори М. Ғуломова, уруш ва меҳнат ветерани И. Умархўжаев, Катта Қаъни мачити имом хатиби Эргашбой Мирза ўғиллари, шифокор И. Раҳмонов, Мулла Тош отанинг қизлари Б. Ҳакимова, ота-оналардан А. Ҳайдаров ва бошқалар ёш авлоднинг баркамоллиги омили — яссавийхонликнинг анъанага айланганлигидан беҳад мамнун бўлганликларини айтишди.

Катта Қаъни маҳалла қўмитаси раиси, доцент Қ. Қодиров аълочи ўқувчилардан 15 кишига пул мукофотларини топширди.

М. ҒАФУРОВ.

ҚОБУСНОМА:

ИЛМ ТАЛАБИ ВА ҚОЗИГАРЛИК ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, аввал пеша-(ҳунар)лардин сўз айтурман, нешадин мақсад дўкондорлик эрмасдур. Ҳар киши ҳар ишни қўлига олса, ул ишни яхши билсин ва уни кўп варзиш (машқ) қилсин, токи ул ишдин кўп наф кўрғай. Бироқ одам наф ва ҳунарни талаб қилур. Пеша бағоят кўпдур, ҳар бирин бошқа-бошқа шарҳ қилмоқ мумкин эрмасдур ва сўз узолғусидур. Илмнинг сифати уч важҳдандур: ё бир пеша била боғланғон илм; илм била боғлиқ пеша; хайр ва далолатга тааллуқли одат. Бирор пеша била боғлиқ ишлар табиблик, мунажжимлик, муҳандислик, массоҳлик (ер ўлчовчи, шоирлиқ ва буларга ўхшаш ишлардур. Илмга тааллуқли бир пеша: хунёгарлик (музика асбоблари устаси), байторлик (отларни даволовчи), бинокорлик, коризкунлик ва булардан ташқари ишлар ҳам бордур. Буларнинг ҳар бирисида шундоқ қоида бордурки, агар сен унинг расмин ва тартибин билмасанг, ҳар қанча уста бўлсанг ҳам, ул бобда серрайғон кишидек бўлурсан, яъни таажжубланиб турғайсан.

Ақлга маълум бўлғон пешани шарҳ қилмоққа ҳожат йўқдур. Лекин мен билғонимча айтурман ва ҳар бирининг тартибин сенга баён қилурман. Булар икки ишдин ташқари эрмасдур: ё бир вақтда рўзғор ҳаводисидин шундай бир вақт келурки, замон ҳодисалари била ул пешага муҳтож бўлурсан. Муҳтож бўлғон вақтда ҳар қайси пешанинг асроридин хабардор бўлғонинг яхшидур. Агар пешага муҳтож бўлмасанг, ушбу улуғлиғингда ўлтирурсан, лекин улуғларга барча илмни билмак лозимдур...

Фасл. Шариат илмининг пешаси қозилик, муфтилик ва музаккирликдур... Барча пешаларнинг орасида илми толиб бўлсанг, парҳезлар ва қониъ (қаноатли) бўлғил. Илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил. Соҳиби тамкин ва сабук руҳ шод-хуррам (ҳаракатчан) бўлғил, кеч ётғил ва эрта турғил, китоб ва дарсга ҳарис (бирор нарсага берилиш) бўлғил, ишдин малул (қайғули, ғамгин) бўлмағил, ҳифз (сақлаш, ёдлаш) этғил, такрор қилғил, ҳақ (тўғри, рост) шунос бўлғил, ҳарна эшитсанг ёд қилғил, тақлидга рози бўлмағил, китоб, ажзо (бир нарсанинг бўлаклари), қалам, қаламтарош ва бунга ўхшаш нарсаларни ҳамиша ёнингда сақлағил, булардин ўзга нарсани ёдингга асло келтурмағил. Оз сўзлағил ва узоқни ўйлағил. Чунки ҳар бир толиби илм агар бу сифатда бўлса, тез фурсатда замоннинг ягона кишиси бўлур.

Фасл. Эй фарзанд, муфти бўлсанг, диёнатлиғ бўлғил. Хифзинг ва дарс ўқишинг кўп бўлсун..., икки юзлик бўлмағил, тан ва либосингни пок тутғил ва ҳозиржавоб бўлғил. Ҳеч масалага то андиша қилмағунча жавоб бермағил. Ўз тақлидингга қонеъ бўлмағил ва кишининг тақлиди била ҳам иш қилмағил. Ўз раъйингни баланд билғил. Қандайдур икки изоҳга қаноат қилмағил, муътамад (эътиқодли, ишончли) одамларнинг хати бўлмағунча ҳеч сўзга эътимод этмағил. Ҳар китобни ва жузвни (дафтарни) муқаддас тутғил. Агар рост сўз эшитмак тиласанг, сўз ва ўйларга қарағил. Ҳар одамнинг ноаниқ сўзин эшитмағил.

Хабари мутавотир (оғиздан-оғизга кўчган хабар)га қарағил ва ундин қочмағил. Жонкуярлик била сўзламағил. Агар мунозара қилмоқ тиласанг, хасмга (душман, рақиб) қарағил, агар унинг била тортишмоққа қувватинг бўлса ва сўз узайсин десанг, далиллар ва мисоллар била мунозара қилғил. Йўқ эрса сўзни муқуф (сўзни қисқартириш) қўйғил ва бир мисолга қаноат қилғил, бир исбот била тур, рад қилма, эҳтиёт бўлғилки, кейинги сўзинг аввалгисини тескари баён қилмасин, яъни бурунғи сўзни кейинги сўз вайрон қилмасин. Агар фақиҳлар мунозора қилсалар, сўзни урф-одатдин бошлағил ва урф-одатни қиёс, мумкинот била айтғил.

Мунозара усулида мужабот (сабаб, баҳона) ва номужабот, мумкинот ва номумкинот бўлса, айб эрмасдур. Охирги мақсадни аниқ маълум қилғил ва сўзни зийнат била деғил. Бағоят қисқа ва бағоят узун сўз айтмағил, бемаъни сўз демағил.

Фасл. Эй фарзанд, агар музаккир бўлсанг, ҳофиз бўлғил ва кўп нарсани ёд қилғил. Ҳеч киши била жадал (тортишув) ва мунозара қилмағил. Курсининг устида ўлтириб (минбарга чиқиб) кўнглинг тилағон ишни даъво қилмағил, фасих (очиқ, равшан) тил била деғил, либосингни пок тутғил. Мажлисда ўлтурғон муридларинг орасида таъсирли сўз айтғил, токи ҳар сўзингни эшитиб улар наъра урсунлар ва мажлисингни қиздирғил. Халқ йиғласа, сен ҳам гоҳо йиғлағил.

Курсининг устида суст ва совуқ сўзлик бўлиб ўлтурмағил, мудирларинг ҳам суст бўлурлар. Ҳамиша мутаҳаррик (ҳаракатланувчи) бўлғил. Сўз айтур вақтингда мажлис аҳлига қарағил, агар сўз эшитмоқ тиласалар, сўз айтғил ва, агар афсона эшитмоқ тиласалар, афсона айтғил. Чунки авом сенга харидор бўлиб, барча сени қабул этғондин сўнг ҳеч нимадан хавф этмағил. Ёмонроқ сўзни яхшироқ баҳоға сотғил, нединким, қабул вақтида ҳар нарса сотсанг олурлар ва лекин қабул вақтида мудом кўрқинчда бўлғилки, музаккирларнинг хасми қабул вақтида пайдо бўлғусидур. Қабул топмағон жойда қарор тутмағил. Курсининг устида вақтингда ким сендан бир саволни сўрсалар, билғонингча жавоб берғил, билмағонингда: «курсининг устида бу масалага жавоб бермоқ муносиб эрмасдур ва уйга борғил, токи уйда бунга жавоб берурман» — деғил. Агар кўп лажож била таъна қилсалар, варақка ёзсалар, айтғилким: «Бу масала мулҳид (дин аҳкомини бузғувчи, даҳри дин, фан, маслакка қарши турувчи) ва зиндиқлар (худосизлар, динга ишонмовчилар) масаласидур ва буни сўрағон одам мулҳид ва зиндиқдур». ....Ҳар сўзни бир мажлисда айтсанг, уни ёдингда сақлағил, токи уни яна қайтариб айтмағил ва беобрў бўлмағил. Хушзабон бўлғил. Шаҳарларда кўп ўлтурмағилки, музаккирлар ва фолбинларнинг ризқи оёқ устида юрса кўп бўлур... Бозорда авомуннинг орасида кўп сўзламағил, то уларнинг кўзига азиз кўринғайсан ва ёмон ишдин парҳез қилғил. Кўрсинишинлик (минбарда туриш) одобин сақлағил, такаббурликдин, ёмон сўзлашдин ва ришва (пора)дин йироқ бўлғил. Ва ўзинг қиладурғон ишни буюрғилки, халқ ҳам қилсин.

Олим беамал бўлмағай. Илмни яхши ўрганғил. Билғон илмингни яхши иборалар била баён қилғил, то бемаъни даъво била ҳижолатманд бўлмағайсан. Ваъз ва пандни хавф ва рижо билан айтғил. Шундоқ сўзларни кўпроқ айтғилки, ўзинг унга қодир бўлсанг ва сенга ул сўз яхши маълум бўлғон бўлса, токи бемаъни даъво била шарманда бўлмағайсан.

Фасл. Эй фарзанд, агар донишмандликда баланд даражага етиб, қози бўлсанг, оҳиста ва тамкин бўлғил ва тез фаҳм, соҳиби тадбир, пешбин (олдиндан кўрувчи), мардумшунос (одамларни текшира олувчи) ва соҳиби сиёсат бўлғил, ...ҳар гуруҳнинг урф-одатидин, йўл-йўриғидин хабардор, ҳар қавмнинг мазҳибидин огоҳ бўлғил. Керакдурким қозилик ҳийлалари сенга маълум бўлгай. Агар бир вақт бир мазлум олдингга келса, унинг гуноҳи бўлмаса ва зулм етиб унинг ҳаққи бекор кетар бўлса, ул мазлумнинг фарёдига етғил ва тадбир юзидин ул мустаҳиқга ҳаққин етқурғил.

Ҳикоят. Табаристонда бир қузот шахс бор эрди. Бу шахсни Абу-л-Аббос Руёйй қозиюл қуззот деб атар эрдилар. Бу одам ниҳоятда олим, мастур, пешбин ва соҳиб тадбир эрди. Бир куни бир киши унинг олдига: «Мендан юз тилло олди», деб бошқа бир кишининг устидан даъво қилиб келди. Қози унинг рақибидин сўради, у инкор қилди. Қози ул инкор этғон одамга: «Онт ичармусан?» — деб сўради. У киши: «Ичаман» — деб жавоб берди. Қози даъво этғон кишига: «Гувоҳинг борму?» — деб сўради. У одам «йўқ», деб жавоб берди. Қози: «Гувоҳинг бўлмаса, унга онт берурман!» — деди. Ул чоғда муддаий (даъвогар) зор-зор йиғлаб деди: «Эй қози, унга онт бермағил, ул ёлғон онт ичмоқдин асло қўрқмағусидур ва онт ичарга бағоят далирдур».

Қози деди:

— Мен шариатдин чиқа олмагумдур. Ё сен гувоҳ топғил, ё у онт ичсин.

Муддаий қозининг олдида ўзин тупроққа ташлаб, зор-зор йиғлаб деди:

— Эй қози, менинг гувоҳим йўқдур. У, албатта, онт ичар ва мен мазлум бўлиб қолурман. Зинҳор бир тадбир қилғил, йўқ эрса мени мазлум ва мағмум (ғамли) қилурсан.

Қози ҳнинг зорланғонин кўриб билдиким, унинг сўзи ростдур. Унга деди: «Эй хўжа, на важҳ била у кишига юз тилло қарз бермиш эрдинг?»

Мазлум деди: «Бу киши неча йилдин бери мен била дўст эрди. Иттифоқо бир канизакка ошиқ бўлди. Канизакнинг баҳоси юз эллик тилло эрди ва бу кишининг эллик тиллодин зиёда нақдга қудрати етмас эрди. Ҳеч илож топмай, оқшом-кундуз девоналардек ҳар тарафга юрар, йиғлар, фарёд чекар эрди.

Бир кун икковимиз тамоша учун саҳро сайрига чиқдик ва икковимиз танҳо бир дашт ичинда ҳар тарафга югурдик. Бир замон икковимиз бир жойда ўлтурдик. У киши менга канизак ҳақида айтиб, зор-зор йиғлаб деди: «Мен сенга йигирма йилдан бери дўст эрдим. Энди менинг ҳолимга тараҳҳум кўргизғил». Ноилож унинг ҳолига кўнглум куйиб дедим: «Эй дўст, сенда канизакнинг баҳосига етқулик ақчанг йўқдур. Бу ишда фарёдингга етиб, мадад бергудек ҳеч бир кишинг борму?»

У киши деди: «Йўқ, агар менинг фарёдимга сен етмасанг, ҳолим мушкулдир! Мен дедим: «Бори менинг юз тиллом бордурким, уни неча йилдин бери кўп меҳнатлар билан жамъ этдим. Ушбу юз тиллони сенга берурман. Сен буни ўзингнинг эллик тиллонгнинг устига қўшиб, ул канизакни олғил ва бир ой муддат унинг била турғил, бир ойдин сўнг сотиб менинг заримни берғил». Бу киши мендин бу сўзни тинглагандин сўнг ўзин тупроқларга ташлаб, онт ичдики: «Бир ойдин зиёда сақламасман. Бир ойдин сўнг хоҳ зиён бўлсин, хоҳ суд бўлсин, сотиб сенинг тиллонгни берурман». Шундин сўнг мен ҳам ул юз тиллони белимдан ечиб олиб, унга бердим. Ул жойда мен ва унинг ўзидан бошқа киши йўқ эрди. Мана тўрт ой бўлибдур, канизакни ҳам сотмайдур, менинг тилломни ҳам бермайдур». Қози деди: «Сен тиллони унга берғон вақтда қайси ерда ўлтурмиш эрдинг?» Ул деди: «Фалон дарахтнинг остида ўлтуриб эрдук». Қози деди: «Унда нечун гувоҳим йўқ дерсан?» Ул хасмга (қарздор) деди: «Сен бу ерда ўлтурғил!» ва муддаийга деди: «Сен тезроқ дарахтнинг остига бориб, ...дарахтга айтғилки: «Қози сени, менинг олдимга келиб гувоҳлик берсун, дер». Хасм бу сўзни эшитиб пинҳоний табассум қилди. Муддаий деди: «Эй қози, дарахт менинг сўзим била келмаса на иш қилай?» Қози деди: «Менинг муҳримни олиб борғил ва дарахтга айтғилки, бу қозининг муҳридур, қози сени айтиб юборди, борар эмушсан ва бу бобда кўрғон ишингга гувоҳлик берар эмушсан, дегил».

Муддаий қозининг муҳрин олиб дарахт томонга равона бўлди ва хасм қозининг қошида ўлтурди. Қози бошқа ҳукмга машғул бўлди ва хасмга асло қарамади. Кўп вақтдин сўнг ўзга ҳукмларнинг орасида бир мартаба хасмга қараб деди: «Фалон муддаий дарахтнинг ёнига етишғонмукан?» Ул деди: «Йўқ!» Қози яна ўзга ишларга машғул бўлди. Муддаий дарахтнинг остига бориб, муҳрни дарахтга кўргузуб: «Эй дарахт, сени қози чақирадур» — деди. Бир қанча замон ўлтуриб турди. Аммо дарахтдан ҳеч жавоб эшитмади ва ғамгин бўлиб қайтди. Қозининг олдиға келиб деди: «Эй қози, дарахтга муҳрингни кўргуздим, лекин келмади». Қози деди: «Сен билмадинг, дарахт келиб гувоҳлик берди». Ундин сўнг қози хасмга қараб деди: «Агар заринг бор бўлса, бу кишининг ҳақин бер, йўқ эрса канизакни сотиб берғил». Ул киши деди: «Эй, қози, мен бу ерда ўлтурарман, ҳеч дарахт келиб гувоҳлик бермади-ку!» Қози деди: «Агар сен бу одамдин зарни олмағон бўлсанг, нима учун «муддаий ул дарахтнинг остига етдиму эркан, ё «йўқ» — дея сендин сўрағонимда, сен йўқ» дединг ва ул вақтда нечун: «Қайси дарахтдур ва ул муддаий қайси ерга кетибдур, мен уни ҳаргиз билмасман» — демадинг». Қози хасмни мулзам қилиб, ундин тиллоларни муддаийга олиб берди.

Эй фарзанд, билғилки, барча ҳукмни китоб бўйича қилмасалар, ўз фикрлари билан ҳам ҳукм қилурлар ва бундоқ тадбирлар била ҳам ишни билиб олурлар.

Уйингда мутавозеъ (кибрсиз) бўл. Ҳукм мажлисида ҳайбатлиғ ўлтурғил. Лекин турш-рўй бўлмағил, савлатлиғ бўлғил ва ҳар турли сўзни эшитмоқда ва ҳукм қилмоқда малъул бўлмағил ва сабр қилғил. Муфтиларга машварат қил. Ҳар вақт очиқ фикр билан сўзлағил. Ҳеч вақтда маҳаблар, масалалар дарсидин ҳоли бўлмағил, тажриба ва тадбирни ҳам қўлдин бермағилки, булар қози ва қонунлар раъйинга баробардур ва кўп ҳукмни шариат раъйидин қилиш қийин бўлур, қози эрса уни осон ҳал қилур. Қози мужтаҳид (бирор ишда тиришувчи) доно ва порсо бўлмоғи лозим. Аммо у маълум вақтларда ҳукм қилмағай: очликда; ташналикда; ҳаммомдан чиқиб турғон пайтида; дилтанг бўлғонида.

Маълумки, қозининг иши ҳукм қилмоқдур, аммо имтиҳон қилмоқ эмасдур. Сўзни қисқа қилиш зарур. Тезроқ гувоҳга, ё онтга ўтсин. (Қози) даъвода мол кўплигини билса, қила олғунча тафтиш қилсун, шунда у хатога йўл қўймағай. (Қози) ўз ҳузурига одил котиблар қўйсин. Ў ҳаргиз ўз илки била қарз ҳужжатлари ясамасин ва ёрлиқ ёзмасин, ўзининг сўзин ва хатин қадрласин, азиз тутсин. Қозига яхши ҳунар — илм ва мулойимликдир...

Эй фарзанд, бу ҳунарни билғондан сўнг тижорат (савдо-сотиқ) йўлин ҳам олдингга олғил, токи ундин улуғ наф топгайсан...

МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ёш ўқитувчиман. Яқин кунларда янги мактаб биносига кўчмоқчимиз. Албатта, кабинетлар, барча фан ўқитувчиларининг зиммасига безатишдек масъулият тушади. Мен ҳам немис тили кабинетини безашда баъзи муаммолар олдида ўйланиб қолдим. Чунки олдинги кабинетга қўйилган ГДР картаси, унинг байроғи, аҳоли сони, ер майдони ҳақидаги маълумотларни Э. Тельман пионерларининг галстуги формасини директор ўрин босари олдириб ташлади. Унинг айтишича, икки давлатнинг бирлашуви сабаб, бу кўргазмаларнинг ҳожати қолмади, снёсий хато саналармиш. Энди бирлашган Германия ҳақидаги аниқ маълумотларни қаердан олишга ҳайронман.

Илтимосим шуки, Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар олий илмгоҳидан бирорта мутахассис ёки ўқитувчининг бирлашган Германия ҳақидаги чиқишини газета орқали бизларга етказсангизлар...

М. ОТАНАЗАРОВА,
Фарғона вилояти Риштон ноҳиясидаги 19-мактаб ўқитувчиси.

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Яқинда Фарғона вилоятидаги мактабларга Сирдарё вилоятининг бир гуруҳ мусиқа ўқитувчилари келдилар. Улар вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олий билимгоҳида бўлиб, мусиқавий тарбия бўйича ўқув-услубий хонаси олиб бораётган ишлар билан танишдилар ва мусиқа ўқитувчилари учун тайёрланган жуда кўп услубий хат, тавсиянома, кўрсатма ҳамда намунавий ишланмалардан нусхалар олдилар.

Шунингдек, меҳмонлар Фарғона ноҳиясидаги 49-ўрта мактабда фаолият кўрсатаётган «Чиннигул» болалар хори (раҳбари Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Р. Зокиров)нинг машғулотларини кузатдилар. Шу куни улар Қува ноҳиясидаги 19-ўрта мактаб қошида ташкил этилган жумҳуриятимиздаги ягона болалар филармонияси (бадиий раҳбари О. Ашуров) иши билан ҳам танишдилар.

Э. МИРЗАЕВ.
Фарғона вилояти.

ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Бўз ноҳиясидаги 14-ўрта мактаб ҳовлисида шоир Миртемирнинг ҳайкали ўрнатилди.

Бунёд этилган бу қиммат-баҳо ёдгорлик баҳонасида мактабга шоирнинг қутлуғ номи ҳам берилди.

Миртемир номли мактаб ва унинг хайкали очилиш маросимида анжуман қатнашчилари ёдгорлик пойига гулдасталар қўйишди.

О. ЭГАМБЕРДИЕВ.
Андижон вилояти.

Шунингдек, таҳририятимизга муаллифлардан Э. Эгамбердиев, Ҳ. Жавлонов, А. Ўрозов, А. Мамадалиев, Н. Мажидов, А. Обидов, Ш. Шарипов, Н. Искандарова, Б. Деҳқонов. И. Турсунов, Ж. Жўраев, Ҳ. Худойқулов, Ҳ. Эшжонов, С. Бобометов, Ғ. Усмонов, Ҳ. Аҳрорқулов, Б. Холов, М. Қорабоев, Ҳ. Расулов, Р. Намозов, Ҳ. Йўлдошев, Х. Эргашев, Ш. Мусаева, Р. Мўминов, Н. Мажидов, Ҳ. Мирзакаримов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

КАСБДОШЛАРИ ИБРАТ ОЛМОҚДА

Марҳамат шаҳридаги «Наврўз» номли 7-болалар боғчасида ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишади. У ердаги ўзига хос орасталикни, шинамликни кўрган кишининг дили яйрайди. Жамоага моҳир тарбиячи Маҳфират Мўминова раҳбарлик қилаётир. Ҳар йили мудира жамоа билан биргаликда қиш фасли яқинлашиши биланоқ витаминга бой мева-сабзавотларни ғамлаб қўйишга интилади. Бу эса кичкинтойларнинг соғлом бўлиб юришига замин яратади. Шу қаторда мудира ўйинчоқлар орқали болаларнинг нутқини ўстиришга алоҳида эътибор беради. Айни кунда кўпгина мураббиялар М. Мўминовадан ибрат олишга ҳаракат қилмоқда.

Болалар масканида меҳнати билан элга танилган тарбиячи М. Мирзаева йўл ҳаракати қондаларини жаж-жиларга ҳамиша мукаммал ўргатиб боради. Тарбиячи Ў. Тешабоева эса кичкинтойларни мусиқа олами билан батафсил таништиришга ҳаракат қилаяпти.

Хуллас, «Наврўз» болалар боғчасида амалга оширилаётган ишлар талайгина.

Суратларни А. ЧАПЛИГИНА олган.



Тақриз

ИНШО ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Яқинда Тошкент давлат дорилфунуни доценти О. Мадаевнинг «Иншо қандай ёзилади?» номли китоби нашр қилинди. Бу қўлланма унинг иншо ҳақидаги илмий-ижодий фикрларидир. Китоб «Сўз боши», «Иншо ёзишга тайёргарлик», «Иншо назарияси», «Адабий темадаги иншо», «Адабий-ижодий иншо», «Ижодий (эркин) иншо», «Иншода йўл қўйиладиган грамматик хатолар устида ишлаш» каби бўлимлардан ташкил топган. Мазкур педагогик илмий асарда иншо ёзиш билан боғлиқ бўлган ҳамма жиҳатлар кенг қамраб олинган.

Унинг «Иншо назарияси» бўлимида иншо сўзининг маънолари шарҳланганки, натижада ўқувчиларнинг жуда кўп саволларига жавоб берадиган иншо таҳлили хусусидаги фикрлари жамланган. Иншолар учта турга бўлиб кўрсатилган: 1. Адабий мавзудаги иншо (дарсда ўқитувчи томонидан тушунтирилган ҳамда адабиёт дарслигида баён қилинган мавзулар асосида).

2. Адабий-ижодий мавзудаги иншоларда дарсда алоҳида мавзу қилиб олинган ишлар, синфдан ташқари ўқиладиган китоблар ҳақида фикр юритилади — иншо ёзишга ўргатилади. 3. Ижодий иншоларда адабиёт дарслигида қайд қилинмаган турли-туман мавзулар ҳақида ёзилади.

Шу бўлимда ўқувчилар билиб-билмасдан ёзиб, хато қиладиган «тема», «план», «эпиграф», «тезис», «далил», «абзац» каби тушунчаларга батафсил изоҳлар берилганлиги диққатга сазовордир.

«Иншо ёзишга тайёргарлик» бўлимида иншо ёзиш мураккаблиги қайд қилинади, ўқувчининг билимини аниқлаб олиб, шу асосда уларни иншо ёзишга ўргатиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Унда кичик-кичик мавзулар бўйича иншо ёзишни ўргатиш яхши натижа бериши қайд этилади.

«Иншода йўл қўйилган грамматик хатолар устида ишлаш» деган қисмида ўқувчиларни қийнаб келаётган хатолар кўрсатилган, уларни бартараф қилишда нималарга эътибор бериш лозимлиги қайд этилган.

Китоб мактаб ўқитувчилари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ва ўқувчилар учун ҳамда ўқишга киручилар учун зарур қўлланма ролини бажариши мумкин. Чунки ундан фойдаланганлар иншо ёзиш жараёнида нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳамда яхши иншо ёза олишлари учун ижодий фикрлаш зарурлигини англайдилар.

Китобнинг она тили ва адабиётни кўп йиллар ўқитган, уларни ўқитишга доим ижодий ёндашишга интилган тажрибали олим томонидан ёзилганлиги сезилиб турибди. Шунингдек, муаллиф бу нарсанинг ҳозирги кундаги энг муҳим ва қилиниши зарур бўлган иш эканлигини ҳам чуқур ҳис этади. Хуллас, Омонулла Мадаев яхши бир эзгу ишга қўл урган ва ҳамма учун мақбул бўлган даражада қўлланма яратган.

Истак тарзида қуйидагиларни айтиш мумкин: 1. Китобдаги айрим атамаларни ўзгартириш лозимлигини муаллиф ўйлаб кўрса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Жумладан, план, тема каби атамалар илгариги қолипга тушиб қолган иншолар учун хосдир. 2. Қўлланмада содда ва мураккаб иншо режаларнинг қиёсига ҳамда қайси бири мустақил фикрлаган ҳолда иншо ёзиш учун қулайлиги, умуман режа тузмай иншо ёзишнинг афзал ёки камчиликларига эътибор берилганлиги кузатилади. 3. Муаллиф қолипланган, бир андозадаги иншолардан қутилишни кўзда тутгани, иншо мавзуларини ҳам ўзгартириш, янгилашни маъқуллагани ҳолда яна Горький, унинг «Она» романи ҳақида фикр юритгани ғалатидир. Тўғри, ундаги талқинлар бошқача, бироқ шу ўринда ҳам ўзбек адабиёти намояндаларининг ижодига таяниб, уларнинг бирор асари намуна қилиб олинганда, қўлланма қиммати янада ошган бўлар эди.

Е. ТОЖИЕВ,
ТошДД доценти.
Т. ЭРНАЗАРОВ,
шу дорилфунун ўқитувчиси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ЖОЙИ ЖАННАТДА БЎЛСИН

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳи жамоаси ҳамда математика куллиёти жамоаси математика ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти Музаффар Ҳайитмуродовга онаси

Суқсур мома ХУШВАҚТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий Номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари, ижтимоий фанлар кафедралари фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

Фарид Муҳамедович БУРНАШЕВнинг

вафот этганлигини билдириб ,марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64505. Босишга топшириш вақти 20.00 Босишга топширилди 20.00. Тиражи 140000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12